

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
ББК: 66,6

САИДОЛИМОВ САИДХОН ТАЛЪАТ ўғли

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ
МУАММОЛАРИ**

23.00.02. – Сиёсий институтлар ва жараёнлар

**Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2009

321
С-21
Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ташқи сиёсат ва дипломатия» кафедрасида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи:

сиёсий фанлар доктори, профессор
Сайфиддин Ахматович Жўраев

Расмий оппонентлар:

сиёсий фанлар доктори, доцент
Умар Абдуллаевич Убайдуллаев

сиёсий фанлар доктори, профессор
Назрулла Қосимович Жўраев

сиёсий фанлар доктори
Алишер Гаффарович Муминов

Етакчи илмий муассаса:


**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси 2009 йил «27» август кuni соат 11¹⁵ да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун ташкил қилинган Д.005.10.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин (Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45).

Автореферат 2009 йил «24» июль да тарқатилди.

Д.005.10.01 рақамли
Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
сиёсий фанлар номзоди



А.Жалилов

1. ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг охири - XXI асрнинг бошларида халқаро муносабатлар тизимида юз берган сиёсий жараёнлар нафақат дунё геосиёсий харитасини, балки Марказий Осиёдаги вазиятнинг ҳам тубдан ўзгаришига олиб келди. Мазкур ҳолат минтақада хавфсизликни таъминлашни долзарб масалага айлантирди ҳамда ушбу жараёнда иштирок этаётган субъектлар фаолиятининг мазмун ва мақсадини, бу жараёнларнинг халқаро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини белгилаб берувчи омилар, шарт-шароитлар, тенденцияларни англашга бўлган эътиборни кучайтирди. Бу эса, ўз навбатида, минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир замонавий ёндашув ва концептуал қарашларни ишлаб чиқишни ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишни талаб этмоқда.

Жаҳон сиёсатида янги “куч марказлари”нинг юзага келиши, геосиёсий кучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очикдан-очик даъволари минтақавий ва этник можаролар сонининг ортишига олиб келди. Айни пайтда глобал миқёсдаги муаммолар борган сари кескинлашиб, улар доираси кенгаймоқда. Халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, сепаратизм, ноқонуний қурол савдоси, уюшган жиноятчилик, наркобизнес каби таҳдидлар; ижтимоий-иқтисодий, экологик, ахборот соҳаларидаги турли хавф-хатарлар ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсда намоён бўлмоқда.

Маълумки, Марказий Осиё минтақасининг халқаро муносабатлардаги роли ва аҳамияти унинг қулай географик жойлашуви, муҳим геостратегик ҳолати, бой табиий-энергетик, минерал хом ашё захиралари, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳияти туфайли тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, минтақанинг қулай геосиёсий шароити ва унинг табиий бойликларини назоратга олиш, ўз таъсир доирасини кенгайтириш борасида дунёнинг етакчи сиёсий кучлари ўртасидаги рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Ушбу рақобатнинг кучайиши натижасида сўнгги йилларда минтақада «рангли инқилоблар», «демократия экспорти», «ахборот хуружи» каби ноанъанавий таҳдидлар яққол намоён бўлди.

Айниқса, бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади. Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваломбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас¹.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б. 116.

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви, бир томондан, янги мустақил давлатларга халқаро майдонга эркин чиқиш ва турли давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўз миллий манфаатларини химоя қилишда кенг имкониятлар яратаётган бўлса, иккинчи томондан давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви ҳамда улар орасидаги боғлиқликнинг кучайиши натижасида бу жараёнда маълум бир минтақадаги турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий муаммолар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Вазият ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар, яъни ноанъанавий таҳдидларнинг анъанавий таҳдидлар билан ўзаро уйғунлашуви туфайли мураккаблашмоқда. Бундай вазиятда юзага келган сиёсий воқеликни чуқур илмий таҳлил этиш, геосиёсий жараёнларда Марказий Осиёнинг ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо бериш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда минтақа хавфсизлигига таҳдид солаётган ташқи ва ички омилларини аниқлаш муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги даврда минтақа давлатлари ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалалари устувор йўналиш ҳисобланиб, давлат раҳбарлари томонидан барқарор ривожланишга тўқинлик қилаётган таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Улар орасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва изчиллик билан олиб борилаётган ташқи сиёсат алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, давлатимиз томонидан Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, халқаро терроризмга қарши минтақавий аксилтеррор марказларни тузиш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида БМТ раҳнамолигида «6+2» гуруҳини ташкил этиш каби ташаббуслари ҳамда 2008 йил НАТОнинг Бухарест саммитида Афғонистонда тинчликни ўрнатиш юзасидан ушбу гуруҳни янги, яъни «6+3» (НАТО иштирокида) шаклида қайта тиклаш таклифлари минтақада хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун минтақада таҳдид ва хавф-хатарларнинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари ва шарт-шароитларини тезкор аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш бўйича самарали ва мустақкам фаолият олиб боровчи механизмни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни ҳал этиш эса минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир мавжуд қараш ва йўналишларни қайта қўриб чиқишни, янги илмий тадқиқот ишларини олиб боришни, бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёдаги геосиёсий вазият, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари, унинг ички ва ташқи омиллари, келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари, минтақа

давлатларининг бу борада олиб бораётган ташки снѐсати мамлакатимиз, минтақа давлатлари ҳамда хорижлик олимлар томонидан чуқур ўрганилмокда, кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмокда. Ушбу адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш жараёнида муаллиф уларни куйидаги гуруҳларга ажратди:

1. Ўзбекистон Республикасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги илмий изланишлар мустақилликка эришилгандан сўнг шакллана бошлади. Минтақавий хавфсизликнинг барча қирраларини очиб бериш ва уни таъминлашга имкон яратувчи тизимни шакллантириш муҳим вазифадир. Шу боис, янги замонавий қарашларни шакллантириш; улар асосида қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; уларни амалга ошириш учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда давлатнинг махус идораларини шакллантириш, уларни керакли кадрлар билан таъминлаш; бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб масалага айланди. Минтақавий хавфсизлик масалалари борасидаги концептуал қарашлар ва унинг назарий-методологик жиҳатлари билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг кўплаб асарлари ҳамда қатор халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларида ўз аксини топди². Мазкур асарларда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган. Бу борада Ислон Каримовнинг «минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизлик сари» концептуал ғояси алоҳида аҳамият касб этади. Унда муаллиф минтақалардаги можароларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва таъсир этувчи омиллари, мавжуд таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр билдириб, «.....дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақавий хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши»³ кўрсатиб ўтилади. Ушбу асарларда минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -315 б.; Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -413 б.; Каримов И.А. Тинчлик учун курашмоқ керак. *Ўза мухбири билан суҳбат. 2001 йил 10 октябрь* // Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б. 120-125; Каримов И.А. Хушёр ва оғоҳ бўлиб яшаш ҳаётимиз қолдасига айлансин. *2004 йил 30 июль кунги рўй берган фожиаги воқеалар хусусида* // Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамызга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –Б. 383-395; Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва барқарорлик йўлида. *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида сўзланган нутқ, 2005 йил 5 июль* // Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч қимга қарам бўлмайди. Т.13. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б. 439-443; Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –Б. 56-68; Каримов И.А. Тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ишончли кафолати. *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгашининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида сўзланган нутқ, 2006 йил 15 июль* // Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б. 255-260; Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.; Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариғатида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:Ўзбекистон, 2009. -536.

³ Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфсизлик сари. *БМТнинг эллик йиллиги муносабати билан Бош ассамблеянинг махус таъинанили йиғилишида сўзланган нутқ, 1995 йил 24 октябрь* // Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б. 56.

билдирилган фикр ва хулосалар ишнинг илмий-методологик асосини ташкил этди.

2. Бугунги кунда мамлакатимиз олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолат, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари, хавф-хатар ҳамда таҳдидларни бартараф этишнинг самарали механизмларини яратишнинг назарий ва амалий жиҳатлари билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борилмоқда. Қисқа давр ичида бу йўналишнинг муайян қирраларини очиб беришга бағишланган қатор тадқиқот ишлари, илмий мақолалар ва монографиялар чоп этилди. Улар жумласига Р.Алимов, Ш.Арифханов, Т.Жўраев, А.Жалилов, Н.Қосимова, З.Мунавваров, В.Парамонов, С.Сафоев, Ф.Толипов, Н.Тўлаганова, Х.Умаров, А.Ҳайдаров, У.Ҳасанов каби тадқиқотчиларнинг асарларини киритиш мумкин. Ушбу илмий ишларда асосий эътибор минтақавий хавфсизликнинг қуйидаги йўналишларига қаратилмоқда:

- глобаллашув шароитида юзага келаётган ноанъанавий хавф-хатар ва таҳдидлар, уларни бартараф этишнинг долзарб вазифалари ҳамда минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантириш масалалари (Р.Алимов, Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Н.Тўлаганова ва бошқалар)⁴;

- минтақавий муаммолар таркибидаги этносий ва этноижтимоий, минтақавий хавфсизлик тизимидаги миллий манфаатлар масалалари (У.Ҳасанов, К.Аҳмедов, А.Ҳамдамов, Ф.Ҳамроев)⁵;

- халқаро муносабатларда Марказий Осиё минтақасининг ўрни ва геосиёсий аҳамияти, минтақада кечаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ҳамда минтақавий интеграция масалалари (Ш.Арифханов, С.Жўраев, Н.Қосимова, А.Жалилов, С.Сафоев, Г.Саидазимова, Ф.Толипов, Х.Умаров ва бошқалар)⁶;

⁴ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. -Т.: Шарк, 2005. -464 с.; Центральная Азия: геэкономика, геополитика, безопасность / Редколл.: Р.М.Алимов, Ш.Р.Арифханов и др. -Т.: Шарк, 2002. - 208 с.; Жўраев Т.А. Миллий давлатчилик ва барқарорлик. Т.: Академия, 2007. -252 б.; Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. -Т.: ДЖКА, 2001. -50 б.; Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. -Т.: Фан, 2004. -212 с.

⁵ Хасанов У.А. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе: Автореф. дис... канд. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2003. -25 с.; Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). -М., 2004. -192 с.; Аҳмедов К.М. «Миллий манфаатлар» категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида ақс этиши: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. -Т., 2001. -26 б.; Ҳамдамов А.К. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари хавфсизлигини таъминлашнинг минтақавий омиллари: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. -Т.: ДЖКА, 2004. -21 б.; Ҳамроев Ф. Иерархия внутренних угроз региональной безопасности // Будущее государств Центральной Азии: вместе или?..: Материалы международной конференции. -Бишкек, 2001. -С. 45-57.

⁶ Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. -Т., 2007. -186 с.; Жураев С.А., Касимова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. -Т.: Академия, 2008. -320 с.; Касимова Н.А. Соединение Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. -Т.: УМЭД, 2002. -183 с.; Жалилов А.Т. Марказий Осиё географияси: ёндашувлар тизими // Таҳлил ва истикбол. -2003. -№1. -Б. 31-35; Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. -Т.: ЖИДУ,

-миллий хавфсизликни таъминлашнинг назарий-услубий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари (Л.Кашинская, Р.Жумаев, А.Раҳмонов ва бошқалар)⁷;

-Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсий стратегиясининг долзарб вазифалари ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашда ташқи омилларнинг аҳамияти (А.Ходжаев, А.Ҳайдаров, С.Жўраев, С.Шарапова, М.Аскарлов, М.Баҳадиров, Г.Юлдашева, В.Парамонов ва бошқалар)⁸.

Шу билан бирга, охириги пайтларда мавзунинг турли йўналишига оид қатор докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Улар жумласига, Г.Каримова, Р.Алимов, Н.Тўлаганова, С.Шараповалар томонидан химоя қилинган илмий ишларни киритиш мумкин. Хусусан, Г.Каримованинг докторлик диссертация ишида Марказий ва Жанубий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жараёни, унинг ҳолати, асосий тенденциялари ҳамда ривожланиш истикболлари фундаментал тадқиқ этилган. Мазкур илмий ишда минтақавий хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар тизимли таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш борасида тегишли илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган⁹.

Р.Алимовнинг докторлик илмий ишида глобаллашув жараёнида Марказий Осиёда янги минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришнинг долзарб муаммолари, минтақавий интеграция истикболлари каби масалаларга эътибор қаратилади. Унда, жумладан, халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида интеграция ва минтақавийлашувнинг ривожланиши ҳамда минтақада хавфсизликни таъминлаш юзасидан илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган¹⁰.

Н.Тўлаганова томонидан бажарилган докторлик ишида Марказий Осиё

2005. -160 б.; Саидзимова Г.С. Интеграция глобал жараён сифатида ва унинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти (Жанубий-шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси мисолида): Сиёсий фаилар номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т.: ЖИДУ, 2001. -170 б.; Толипов Ф. Теория и практика региональной интеграции в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. -2002. -№2 (20). -С. 89-98; Умаров Х.П. Узбекистон Республикаси геосиёсий ҳолатининг геостратегик хусусиятлари: Сиёсий фаилар номзоди даражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т.: ДЖКА, 2004. -152 б.

⁷ Кашинская Л.Ф. Государственность и национальная безопасность: проблемы теории. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2003. -96 с.; Жумаев Р., Убайдуллаев У., Хужанов Б. Конфликтология асослари. -Т.: Академия, 2000. -207 б.; Раҳманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности Республики Узбекистан: Автореф. дис... докт. юрид. наук. -Т.: ТГЮИ, 2001. -54 с.

⁸ Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. -Т.: Фан, 2004; Ҳайдаров А.А. Центральная Азия во внешней политике Исламской Республики Иран: Дис... докт. полит. наук. -Т.: ТашГИВ, 1998. -371 с.; Давлатлар ва халқаро ташқиотлар / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, О.Қосимов, А.Жалилов, С.Саидлимов ва бош. -Т.: Академия, 2006. -347 б.; Шарапова С. Многосторонняя дипломатия Узбекистана в условиях антитеррористической кампании // Центральная Азия и Кавказ. -2003. -№4(22). -С. 103-112; Аскарлов М.Э. Америко-иранские отношения и проблемы региональной безопасности Центральной Азии: Автореф. дис... канд. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2005. -26 с.; Баҳадиров М.М. Международное сотрудничество Республики Узбекистан в решении проблем Аральского моря: Автореф. дис... канд. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2002. -25 с.; Юлдашева Г.И. Узбекистан в геостратегических отношениях Ирана и США // Востоковедение. -2005. -№1. -С. 80-88; Парамонов В.В. Геостратегия США в Центральной Азии: Автореф. дис... канд. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2002. -25 с.

⁹ Каримова Г.И. Проблемы безопасности в Центральной и Южной Азии: состояние, тенденции конфликтности и перспективы развития: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2001. -50 с.

¹⁰ Алимов Р.М. Проблемы формирования новой архитектуры региональной безопасности в условиях глобализации (на примере Центральной Азии): Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2006. -50 с.

минтақаси хавфсизлигига асосий ташқи таҳдидлар манбаи бўлиб келаётган Афғонистон омилига эътибор қаратилган. Унда муаллиф афғон можаросининг келиб чиқиш тарихи, сабаблари ва бу жараёнда ташқи кучлар омилнинг роли ва аҳамиятини атрофлича ўрганган. Афғон можаросининг минтақада шаклланаётган геосиёсий вазиятга ҳамда унинг минтақа хавфсизлигига таъсирини чуқур тадқиқ қилади. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммолари ва истиқболларини таҳлил этиб, тақлиф ҳамда тавсиялар келтиради¹¹.

Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан олиб бораётган ташқи сиёсати С.Шарапованинг¹² тадқиқот ишида кенг ёритиб берилган. Муаллиф ўз илмий ишида мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини, унинг БМТ, ЕХХТ, НАТО, МДХ, ШХТ, ОДКБ каби қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги фаолиятини илмий асослашга ҳаракат қилган.

3. Сўнгги йилларда Россия ва минтақа олимлари томонидан халқаро муносабатлар, геосиёсат, хавфсизлик соҳаларининг назарий-методологик жиҳатларини тадқиқ қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар жумласига А.Арбатова, А.Возжеников, К.Гаджиев, С.Голубев, В.Дворкин, А.Дугин, В.Иноземцев, А.Кортунов, Н.Косолапов, Ю.Кузнецов, М.Лаумулин, М.Мейер, В.Миронов, А.Панарин, Г.Почепцов, Е.Примаков, А.Прохожев каби олимларнинг илмий ишларини киритишимиз мумкин¹³. Ушбу асарларда хавфсизликнинг асосий компоненти бўлмиш миллий хавфсизликни таъминлашга, унга нисбатан хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга ҳамда унинг назарий ва амалий томонларига эътибор қаратилади. Масалан, А.Возжеников «Национальная

¹¹ Тулаганова Н.У. Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т.: УМЭД, 2006. -33 с.

¹² Шарапова С.Ш. Многосторонняя дипломатия Республики Узбекистан: участие в универсальных, региональных и субрегиональных организациях, межгосударственных объединениях: Автореф. дис... докт. полит. наук. -Т.: АГОС, 2006. -50 с.

¹³ Арбатова А. Национальная безопасность России в многополярном мире // Мировая экономика и международные отношения. -2000. -№10. -С. 21-28; Возжеников А. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. -М.:МОДУЛЬ, -2000. -240 с.; Гаджиев К. Введение в геополитику. Учебник для вузов. -М.: Логос, 2000. -416 с.; Голубев С. Национальная безопасность и национальная идея // Безопасность Евразии. -2005. -№1; Дворкин В. К вопросу формирования политики национальной безопасности // Мировая экономика и международные отношения. -2004. -№12. -С. 52-59; Дугин А. Основы геополитики. -М.: Арктогея, 1999; Иноземцев В. Прикложение, которому нет конца // Свободная мысль -XX век. -2005. -№3. -С. 196-201; Кортунов С. Становление нового мирового порядка // Международная жизнь. -2002. -№6. -С. 76-94; Косолапов Н. О месте геополитики в эпоху глобализации // Восток. -2003. -№4. -С. 128-149; Кузнецов Ю. Никольский В. Введение в теорию национальной безопасности: проблемы безопасности русского народа и современность. -Алматы: Верный, 1999. -808 с.; Лаумулин М. Казахстан в современных международных отношениях: безопасность, геополитика, политология. -Алматы: КИСИ, 2000. -480 с.; Мейер. Средняя Азия: Андижанский сценарий? -М.:Европа, 2005. -192 с.; Миронов В. Проблемы стратегического управления в сфере национальной обороны // Международная жизнь. -2004. -№3. -С. 127-134; Панарин А.С. Глобальное политическое прогнозирование. Учебник для вузов. -М.: Алгоритм, 2000. -352 с.; Почепцов Г. Гражданское самбо: как противостоять «цветным» революциям. -М.: Европа, 2005. -88 с.; Примаков Е. Это ближний Восток, это своя специфика // Международная жизнь. -2006; -№2. -С. 23-25; Прохожев А.А. Национальная безопасность. -М.: РАГС, 1998. -С. 26.

безопасность: теория, практика, стратегия» номли асариди хавфсизлик тушунчаси жуда кенг қамровли, кўп маъноли тушунча эканлигини қайд этган ҳолда, хавфсизликни таъминлаш бугунги кунда комплекс ёндашувни талаб этишини илмий асослаб беради. Унда муаллиф хавфсизликни «ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» нуқтаи назардан кўриб чиқишни ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни ягона тизим остига киритишни таклиф этади.

Н.Косолапов, К.Гаджиев, А.Дугин каби тадқиқотчиларнинг асарларида¹⁴ асосий эътибор хавфсизликни таъминлашда геосиёсий омилларнинг роли ва аҳамиятига қаратилади. Унда халқаро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлар ва геосиёсий жараёнларнинг миллий, минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликка таъсири тизимли ва қиёсий таҳлил этилади. Жумладан, А.Дугин «Основы геополитики» китобида минтақавий хавфсизлик тизимининг барқарор шаклланишида халқаро муносабатлардаги геосиёсий вазият муҳим аҳамият касб этишини ҳамда ҳар бир давлат ёки минтақа хавфсизлиги мавжуд геосиёсий омиллар йиғиндисига, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларга эғалигини уқтиради.

Марказий Осиё минтақасида шаклланаётган янги геосиёсий вазият, у билан боғлиқ минтақавий хавфсизлик масалалари ҳамда бу жараёнда ташқи кучлар омили каби мавзулар Марказий Осиё, МДҲ давлатларида янги йўналиш ҳисобланиб, унинг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб илмий ишлар чоп этилмоқда¹⁵.

4. Минтақавий хавфсизлик масалалари тобора умуминсоний, глобал муаммога айланиб бораётган бугунги кунда, уларни бартараф этишининг назарий-методологик асосларини тадқиқ этиш муҳимдир. Бу борада Х.Маккиндер, Ф.Ратцель, Н.Спайкмен, К.Хаусхофер, Д.Паркер, Д.Бертон, К.Грей, Л.Жонсон, Б.Арас, Б.Колас, С.Хантингтон, Г.Моргентау, Г.Киссинджер, Зб.Бжезинский, Ф.Фукуяма, Р.Коган¹⁶ каби таниқли хорижлик

¹⁴ Гаджиев К.С. Введение в геополитическую науку: Учебник для вузов. -М.: Логос, 2000. -544 с.; Дугин А. Основы геополитики. -М: Арктогея, 1999; Косолапов Н. О месте геополитики в эпоху глобализации // Восток. -2003. -№4. -С. 128-149.

¹⁵ Максименко В.И. Геополитическое измерение истории и Среднеазиатский вопрос (ответ оппонентам) / Форум: Геостратегическое значение Средней (Центральной) Азии в международных отношениях начала XXI века // Восток. -2003. -№3. -С. 64-125; Каменев С. Центральная Азия: Новая ситуация – новые вызовы – новые перспективы // Россия и мусульманский мир. -2003. -№9. -С. 105-111; Ерекешева Л. Глобализация и концепция безопасности в Центральной Азии // Казахстан и современный мир. -2001. -№1. -С. 45-52; Исинагарин Н.К. Региональная интеграция – практически единственная возможность противостоять отрицательным последствиям глобализации // Саясат. -2001. -№12. -С. 5-13; Богатуров А.Д. Американизация Центральной Азии // Восток. -2003. -№3. -С. 90-94; Чернявский С. Политика России в Центральной Азии и Закавказье // Россия и мусульманский мир. -2002. -№11. -С. 59-75.

¹⁶ Friedrich Ratzel. Politische Geographie. Einleitung, 1887; Spykman N. Geography of Peace. 1942; Gray C. The Geopolitics of Super Power. Lexington. The University of Kentucky Press. 1988; Johnson L. Russia and Central Asia: terrorism as a issue. Paper prepared for the AAASS 33-rd National Convention, Arrington, Virginia, 15-18 november 2001; Aras B. Colas J. American-Central Asia relations // Euroasian studies. – Ankara, 1996. - Vol.3, N3 - P. 64; Huntington Samuel. Political Order in Changing Societies (The Henry L. Stimson Lectures Series). -Yale. University Press, 2006; Morgenthau Hans J., Thompson Kenneth, Clinton David. Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. McGraw-Hill, 2005; Kissinger H. Does America Need a Foreign Policy? Toward a Diplomacy for the 21st Century. Simon & Schuster, 2004; Kissinger H. Diplomasy. -N.Y., 1994; Brzezinski Zbigniew. Second Chance: Three Presidents and the Crisis of American Superpower. Basic Books, 2007; Fukuyama Francis. America at the Crossroads: Democracy, Power, and the Neoconservative Legacy. -Yale University Press,

олимлар, сиёсатшунослар, геосиёсат фани мутафаккирларининг асарларини ўрганиш тадқиқот ишининг назарий-методологик базасини бойитишга хизмат қилди.

Зб.Бжезинский ўзининг «Буюк шахмат тахтаси» номли асарида дунёнинг геостратегик ҳолатини, жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, унинг ривожланиши ва истиқболларини, бу ҳудуддаги ташқи ва ички омилларнинг мазмуни-моҳиятини ҳамда унинг хавфсизлик ҳолатини таҳлил этади. У мазкур худудни «Евроосиё Болқонлари» дея баҳолаб, «минтақада куч бўшлигининг мавжудлигини унинг доимий беқарор бўлишининг сабаби сифатида кўрсатиб, жаҳон сиёсатида янги «куч марказлар»нинг юзага келиши, ўз навбатида, Марказий Осиё минтақасидаги мавжуд бўшлиқни тўлдирлишига, кучлар мувозанатини ўрнатилишига ҳамда минтақа хавфсизлигини таъминланишига олиб келишини таъкидлайди. Бу эса минтақа давлатлари, шу жумладан, Европа ва НАТО манфаатларига тўлиқ мос келиши таъкидлаб ўтилади¹⁷.

Америкалик олим Колин Грей «Кудратли давлатларнинг геосиёсати» номли асарида дунёнинг геостратегик ҳолатига геосиёсий қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ёндашиб, дунёда ҳукм сураётган стратегик ҳолатни давлатлар манфаатларининг ўзаро қарама-қаршилигида деб баҳолайди. Мазкур қарама-қаршиликка минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, геосиёсий манфаатларни яқинлаштириш билан барҳам бериш лозимлиги эътироф этилади. Бу охир-оқибат халқаро хавфсизликни, шу жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлашда муҳим омил эканлиги қайд этилади¹⁸.

Маълумки, Фарб адабиётида Марказий Осиё минтақасининг халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ўрнига, унинг глобал геосиёсий жараёнлардаги аҳамиятига, минтақадаги мавжуд хавф-хатар ва таҳдидларга нисбатан билдирилаётган кўплаб фикр ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар асосан минтақага нисбатан шакланган расмий давлат доктриналари, миллий хавфсизлик концепция ва стратегиялари асосида баҳоланмоқда¹⁹.

Мавзуга доир мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фаннинг мазкур соҳаси бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Уларда асосан халқаро муносабатларнинг глобаллашуви ва муайян жиҳатлари,

2007; Kagan Robert. Of Paradise and Power: America and Europe in the New World Order. -Vintage, 2004.

¹⁷ Бжезинский Зб. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. -М.: Международные отношения, 1999. -С. 56-57.

¹⁸ Gray C. The Geopolitics of Super Power. Lexington. The University of Kentucky Press. 1988.

¹⁹ Вертеб Е. Глобальная безопасность в фокусе стратегических вызовов стабильности в Центрально-азиатском макрорегионе // Демократическое развитие и вопросы обеспечения безопасности: материалы международной конференции. 14-15 мая 2007 года. -Т., 2007. -С. 78-97; Wlawn J.Dirk. Security (Internal and External), Human Rights, and Democratization // Демократическое развитие: безопасность, права человека, сотрудничество во имя будущего: Материалы международного круглого стола. 15-16 ноября 2007 года. -Т., 2007. -С.129-132; Козы А. Продвижение американских интересов в Центральной Азии // Int.http://www.tnhelsinki.org/ru/modules/news/article.php?storyid=692; Allison R. Regionalism and Security in Central Asia // International Affairs. -2004. Vol. 80, №3. -P. 463-485 ва бошқалар.

минтақавий интеграциянинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жаҳон геосиёсий жараёнларининг миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсири тадқиқ этилган. Улардаги фикр-мулоҳазалар ва қарашлар, албатта, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳозирги кунда минтақавий хавфсизликни таъминлашга доир адабиётларнинг қўплигига қарамадан, мавзунинг ўрганилганлик даражаси ўз ниҳоясига етказилмаган. Мавзунинг ҳам назарий-методологик, ҳам амалий жиҳатларини кенг қамровли ва чуқур таҳлил этишга қаратилган илмий тадқиқот ишларига эҳтиёж катта.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва Илмий кенгашнинг 2003 йил 1 ноябрдаги йиғилишида тасдиқланган (4-сонли баённома).

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда минтақа хавфсизлигига таъсир кўрсатаётган ташқи ва ички омиллар даражаси, хусусиятини белгилашдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш ҳамда «хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳиятини сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан аниқлаш;

- хавфсизлик борасидаги мавжуд концептуал қарашларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, уларнинг асосий тенденциялари ҳамда ўзаро хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

- шаклланаётган янги жаҳон тартиботи шароитида Марказий Осиёнинг ўрни ва аҳамиятини белгилаш ҳамда минтақа давлатлари ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалаларини қиёсий ўрганиш;

- Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид ва хавф-хатарлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини тизимий тадқиқ қилиш;

- Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш ва унинг истикболини белгилашда минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини илмий таҳлил этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқот ишининг объекти этиб Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари танлаб олинди.

Тадқиқот ишининг предмети сифатида эса Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жараёнининг асосий тенденциялари ҳамда бу борадаги мавжуд муаммоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этишнинг самарали усул ва йўлларини излаш билан боғлиқ масалалар белгиланди.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асосини хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишда ишлаб чиқилган илмий тамойиллар, жумладан, объектив ва тарихий ёндашув тамойиллари ҳамда тизимли ва қиёсий таҳлил услублари ташкил этди. Минтақада кечаётган геосиёсий жараёнлар ва минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар ҳамда бу жараёнда ташқи ва ички омиллар таъсирини ўрганишда қиёсий-тарихий, қиёсий-сиёсий таҳлил услубларидан фойдаланилди.

Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг асарлари ва маърузаларида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан баён этилган назарий-концептуал қондалар асосида олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, минтақада кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, уланинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини кенг тадқиқ этишда ёрдам берди.

Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг минтақада янги геосиёсий вазият юзага келди. Бу, бир томондан, минтақа давлатлари учун халқро муносабатларда муносиб ўрин эгаллашга, жаҳон интеграциялашув жараёнига фаол киришишга, дунё ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатишга кенг имконият яратган бўлса, иккинчи томондан, улар олдида минтақавий хавфсизликни таъминлаш каби долзарб вазифани юкледи;

- бугунги ўзгаришлар даврида минтақавий хавфсизликнинг моҳияти жаҳон глобаллашуви ва интеграциялашуви жараёнларининг ривожланиши ҳамда халқро ташкилотлар аҳамиятининг ортиб бориши билан ўзгармоқда. Натижада Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашда ташқи омилларнинг роли ва даражаси тобора ортмоқда;

- минтақада, бир томондан, дунёнинг ривожланган давлатлари ўртасида (Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари), иккинчи томондан, минтақа атрофидаги давлатлар (Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон) ўртасида геосиёсий рақобатнинг кучайиши юз бермоқда;

- Марказий Осиёнинг геостратегик ва геосиёсий аҳамияти минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро интеграциялашув жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда минтақада ягона хавфсизлик тизимини шакллантириш устувор вазифа ҳисобланади;

- Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда минтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларни баргараф этишга қаратилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Барча минтақа давлатларининг ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи устувор йўналиш сифатида этироф этилмоқда. Бироқ Марказий Осиёда ҳали минтақавий хавфсизлик тизими тўлиқ шаклланишича йўқ;

-минтақада мустаҳкам ва самарали хавфсизлик тизимини шакллантириш минтақа давлатларидан турли хил минтақавий ташкилотлардаги (МДХ, ШХТ, КХШТ ва бошқалар) кўптомонлама муносабатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Бу шароитда минтақа давлатлари ўз миллий манфаатларини минтақавий хавфсизликнинг халқаро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаши зарур.

-мазкур масала юзасидан минтақа давлатлари турли сиёсий, иқтисодий-молиявий халқаро ташкилотлар (БМТ, ЕХХТ, НАТО, ХВФ, ЖБ ва бошқалар) доирасида фаол иштирок этиши лозим бўлади. Айни пайтда дунёнинг ривожланган мамлакатлари (Россия, АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқалар) билан ҳамкорликни ривожлантириш стратегик вазифа ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, минтақада геосиёсий кучлар мувозанатини ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлаш кафолатидир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги замонавий халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар, геосиёсий жараёнлар муносабати билан Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш муаммоларини тизимли тадқиқ этишда ўз аксини топди. Диссертацияда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий тенденциялари, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар, шарт-шароитлар тадқиқ этилган бўлиб, ватанимиз ва хорижий мамлакатларда кенг миқёсда ўрганилган илмий манбалар, расмий ҳужжатлар, монография ва китоблар илмий муомалага киритилди. Унда, жумладан:

- минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, таҳлиллар, башоратлар, концептуал қарашлар ўрганилди ҳамда тизимлаштирилди, улардаги ғоялар, фикрларнинг хилма-хиллиги ва ўзига хос хусусиятлари миллий манфаатлар нуктаи назардан қиёсий-сиёсий таҳлил қилинди;

- Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига бевосита даллдор бўлган ривожланган давлатларда хавфсизликни таъминлаш борасидаги тадқиқотларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди ҳамда улар орасидаги умумий ва фарқли жиҳатлар, асосий тамойил ва устуворликлар аниқланди;

- Марказий Осиё минтақасининг янги шаклланаётган жаҳон тартиботи шароитидаги геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, унинг замонавий халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли Ўзбекистон миллий манфаатларидан келиб чиқиб тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг «минтақавийликдан глобализм сари» назарий концепцияси асос қилиб олинди;

- Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сиёсати устувор йўналишлари, уни аниқлаб берувчи омиллар, шарт-шароитлар ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқалардаги янги тенденциялар таҳлил этилди;

- Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамияти, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро таъсири кўрсатиб берилди;

- минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг истиқболларини белгилашда минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти, минтақавий интеграциянинг бугунги ҳолати, уни ривожлантириш учун асос бўладиган омиллар ва шарт-шароитлар таҳлил қилинди ҳамда бу борада илмий хулоса ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилди;

- Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг роли ва аҳамияти, унинг бу борада олиб бораётган ташқи сиёсати ва ташаббуслари илмий-назарий жиҳатдан асосланди, унинг самарадорлигини ошириш, амалий татбиқини таъминлаш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда у билан боғлиқ долзарб муаммоларни бартараф этишдаги назарий ва амалий жиҳати билан белгиланади. Ишда келтирилган амалий тавсия ва тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсий стратегиясини такомиллаштириш мақсадида ҳамда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан янги ёндашувларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкин. Ишнинг натижаларидан мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган олимлар, мутахассислар ва сиёсатшунослар фойдаланиши мумкин. Диссертация материалларини олий ўқув юрглари учун махсус курсларни тайёрлаш ва ўқиш жараёнида қўллаш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг хулоса ва натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ташқи сиёсат ва дипломатия» кафедрасида «Халқаро хавфсизлик муаммолари», «Хорижий давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси», «Ҳозирги замон халқаро муносабатлари», «Геосиёсат» каби ўқув фанларни ўқитишда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ишнинг назарий ва амалий хулосалари ҳамда илмий-услубий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёш педагоглар ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Минтақавий сиёсат» жамғармаси, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан ташкил этилган 20дан орტიқ халқаро, маҳаллий илмий-амалий конференция, анжуман ва семинарларда маъруза қилинган ва илмий тўпламларда чоп этилган.

Натижаларнинг синондан ўтказилиши. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Ташқи сиёсат ва дипломатия» кафедрасининг йиғилишида (2006 йил 6 февраль, 8-сонли баённома); Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Ихтисослашган кенгаши қошидаги илмий-назарий семинарда (2006 йил 5 октябрь, 1-сонли баённома); Тошкент давлат юридик институти факультетлараро «Ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси базасида ташкил этилган илмий-назарий семинарда (2007 йил 30 март, 26-сонли баённома); Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро муносабатлар» факультети Муаммовий Кенгашининг «Сиёсий фанлар» бўйича ташкил этилган илмий-назарий семинарда (2007 йил 15 апрель, 2-сонли баённома); Самарқанд давлат университети «Социология ва ижтимоий иш» ва «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасининг қўшма йиғилишида (2007 йил 25 май, 9-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг чоп этилганлиги. Илмий ишнинг асосий мазмуни ва ундан келиб чиқувчи натижа ва хулосалар тадқиқотчи томонидан чоп этилган: «Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии» номи монографияда ҳамда 30 га яқин илмий мақолалар, ўқув қўлланма, илмий тўпламларда чоп этилган тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация иши кириш, тўрт боб, ўн бир параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 273 бет.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, назарий-услубий асослари, тадқиқот объекти ҳамда предмети, унинг илмий янгилиги ҳамда назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари»га бағишланган бўлиб, унда «хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти, хавфсизликни таъминлаш юзасидан шаклланган концептуал қарашлар ва ёндашувлар, уларнинг ривожланиш босқичлари ҳамда ривожланган давлатларнинг хавфсизликни таъминлаш борасидаги модель ва концепциялари тизимли, киёсий таҳлил этилди.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Хавфсизлик тушунчаси ва унинг моҳияти» деб номланиб, унда хавфсизлик муаммолари юзасидан шаклланган турли назарий мактаблар ёндашувлари ва замонавий қарашларнинг таҳлили асосида «хавфсизлик» тушунчаси очиқ берилди ҳамда унинг мазмун-моҳияти аниқланди. Хавфсизликнинг асосий категорияси ҳисобланмиш миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик кўриб чиқилди, унинг глобаллашув

шароитида ўзаро боғлиқлиги илмий таҳлил этилди.

Икки кутбли тартиботга асосланган хавфсизлик тизимининг парчаланиши ҳамда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви бугунги кунда хавфсизликнинг янги тизимини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Мазкур тизимни ишлаб чиқиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш хавфсизлик борасидаги қараш ва йўналишларнинг ўзаро ўхшашлигига боғлиқдир. Бирок бугун мавзуга доир илмий адабиётлар таҳлили хавфсизлик борасидаги концептуал фикр ва қарашларнинг хилма-хиллигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат эса давлатлардан ўз миллий манфаатлари ва хавфсизлик тизимларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам мавжуд таълимот ва қарашларни ўрганиш, улар орасидаги умумийлик ва фарқларни белгилаш ҳамда улар асосида замонавий концепциялар яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, хавфсизлик жуда кенг қамровли ва кўп маъноли тушунча бўлиб, аксарият мутахассисларнинг²⁰ таърифига кўра, у шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат ва жамяят кадр-қиммати, шаъни, яшаш муҳитининг, умуман олганда, цивилизациянинг химояланганлик ҳолатидир. Хавфсизлик ижтимоий-фалсафий категориялар тоифасига мансуб бўлиб, фанлараро комплекс ҳолатда кўриб чиқишни талаб қилади. У ўзининг мантикий моҳиятини аниқ объектлар ёки инсон фаолияти доирасида бўладиган мулоқотда акс эттиради. Шунинг учун ҳам хавфсизликка берилган таърифларнинг барчасида муайян даражада умумийлик ва ўзаро фарқлар мавжуд.

Хавфсизлик муаммоси инсоният ва давлат шаклланиши билан юзага келган бўлиб, унинг назарияси бир қанча тарихий босқичларни босиб ўтган. Инсониятнинг хавфсизликка интилиши натижасида олдин бир жамяятда, сўнг давлатда ва охир-оқибат халқаро микёсда хавфсизлик тизими шаклланади. Шу бонс ҳам бир қатор олимлар²¹ томонидан миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги эътироф этилган ҳолда уни «хаёт фаолияти хавфсизлиги» нуктаи назардан кўриб чиқиш таклиф қилинган. Унда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик энг муҳим омили сифатида кўрсатилиб, улар орасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил этилади.

Тадқиқот ишида «миллий хавфсизлик» категориясига алоҳида аҳамият қаратилди. Зеро, миллий хавфсизлик минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида алоҳида ўрин эгаллаган ҳолда, унинг асосини ташкил этади ва қолган категориялар билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатмоқдаки, илмий адабиётларда «миллий хавфсизлик»

²⁰ Митрохин В.И. Концептуальные основы стратегии национальной безопасности России // Полис. -1995. - №3. -С.18-27; Новицкий Г.В. Новые подходы в обеспечении национальной безопасности в условиях глобализации // Геополитика – безопасность – терроризм. Сб. Ст. / Под ред. Е.А.Вертлиба, Л.М.Бондарца. - Бишкек: Бийиктик, 2006. -С. 166-173.

²¹ Возжеников А.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. -М.: Модуль, 2000. -С. 51; Цыганков П.А. Теория международных отношений. -М.: Гардарики, 2004. -С. 320-344.

тушунчасига нисбатан келтирилган мукамал таъриф йўқ. Қолаверса, ҳозирги кунга қадар ушбу ибора ўрнида «давлат хавфсизлиги», «миллий давлат хавфсизлиги», «умуммиллий хавфсизлик» каби атамалар қўлланилган. Бу эса давлатлар ижтимоий-сиёсий тарихининг турли босқичларида «миллат» тушунчаси турли маъно-мазмунни англатганидан далолат беради. Тадқиқот натижасида «миллат» тушунчаси изоҳи бўйича икки йўналиш мавжудлиги маълум бўлди.

Биринчиси, коммунистик давр таълимоти оқибатида ҳосил бўлган йўналиш бўлиб, у миллатни аниқ бир халққа боғлайди.

Иккинчиси эса, маълум бир даврга тегишли ижтимоий умумийлик ҳисобланиб, у муайян ҳудуддаги халқлар томонидан шаклланган давлатни ифода этади.

Замонавий халқаро муносабатлардаги вазият «миллий хавфсизлик» тушунчасини давлат хавфсизлиги сифатида кўрувчи тор ва бир томонлама қарашларнинг ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда миллий хавфсизлик нафақат бир миллат хавфсизлиги, балки шу ҳудудда яшайдиган халқлар, миллатлар хавфсизлигидир. Шу нуқтаи назардан, миллий хавфсизлик иборасини кўпмиллатли давлатларда, хусусан, Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши жамиятнинг барча қатлам ва соҳаларини қамраб олишга ёрдам беради. Унинг бугунги кундаги хусусияти шахс ва жамият манфаатларининг давлат манфаатларига нисбатан янгича муносабатида намоён бўлмоқда. Шу маънода, **миллий хавфсизлик** шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳамда халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокини таъминлашда, суверен ва прогрессив ривожланишида, ички барқарорликни сақлашда ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Бизнинг фикримизча, миллий хавфсизликка берилган ушбу изоҳ унинг ижтимоий табиатини кенгроқ қамраб олган бўлиб, шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг умумийлик диалектикасини ҳисобга олган ҳолда миллий хавфсизликнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини очиб беради.

Минтақавий хавфсизлик - минтақа давлатларининг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича тизимли ёндашувлар ёрдамида ўзаро ҳамжихатликка асосланган саъй-ҳаракатлар йиғиндиси. У глобал, халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларда уруш ва беқарорлик таҳдидини солаётган омиллардан холи бўлиш ҳисобланади. Минтақавий хавфсизлик маълум бир геосиёсий муҳитда жойлашган ва бир-бири билан тарихан бевосита боғлиқ бўлган халқлар, миллатлар, давлатлар ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимояланганлик ҳолатидир.

Глобал (халқаро) хавфсизлик - дунё давлатларининг ўзаро ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ҳамкорлигига, суверенитети ва мустақил ривожланишига таҳдид солаётган муносабатларни самарали ҳал қилиш механизмлари

шаклланганлигини англатади. Халқаро хавфсизлик ҳар бир даврда халқаро алоқаларнинг ривожланиш тенденцияси ва хусусияти, цивилизация даражаси, моддий ва маънавий маданият каби кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Ушбу жараёнда шахс, синф, жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотларнинг онгли равишда олиб бораётган фаолияти катта роль ўйнайди. Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида халқаро сиёсий ва ижтимоий кучларнинг янгича жойлашуви вужудга келмоқда. Бу, ўз навбатида, бутун инсоният манфаатлари йўлида халқаро хавфсизликни таъминлаш муҳимлиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, олиб берилган тадқиқот натижасида хавфсизликка берилган ягона таъриф мавжуд эмаслиги, адабиётларда берилган изоҳлар давр ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда конкрет (аниқ) хусусиятларни таҳлил этиш натижасида берилганлиги маълум бўлди. Шунга қарамадан, уларнинг барчасида маълум даражада умумийлик ва ўзаро фарқлар мавжуд. Бунинг асосий сабаби хавфсизликнинг инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзид ақс эттирган комплекс тизимни ташкил этишидир.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «Хавфсизлик муаммолари ҳақидаги концептуал қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши» деб номланган бўлиб, унда хавфсизлик масалалари юзасидан шаклланган қараш ва таълимотлар, уларнинг ривожланиш босқичлари ҳамда улар орасидаги умумийлик ва фарқли жиҳатлар қиёсий таҳлил этилди. Жумладан, Ғарб мамлакатларида хавфсизлик юзасидан шаклланган либерал қарашларнинг ривожланиши, асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, мазкур қарашларда асосий ургу шахс хавфсизлигига қаратилган бўлиб, унинг эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳимлиги алоҳида эътироф этилган. Шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш сиёсий ҳокимият-давлат зиммасига юклатилади. Шахс хавфсизлигини таъминлаш охир-оқибатда барча ижтимоий воқеликда (давлат, жамият) барқарорлик ва ривожланишга олиб келиши, шу боис ҳам, ривожланган давлатларнинг аксариятида хавфсизлик тушунчаси ҳар бир фуқаронинг минимал ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, деб эътироф этилганлиги илмий асосланди. Бу эса Ғарб мамлакатларининг хавфсизлик соҳасида олиб бораётган сиёсатида либерал таълимотларнинг бевосита устувор эканлигидан далолат беради.

Бугунги кунда либерал-идеалистик таълимотлар асосида хавфсизликка доир замонавий неолиберал концепциялар ишлаб чиқилмоқда. Уларда умуминсоний қадриятлар ва манфаатларга таянган ҳолда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали халқаро ҳамжамият тузиш ғояси тақлиф этилмоқда. Бунда халқаро ҳамжамият назарияси алоҳида аҳамият касб этади. «Халқаро ҳамжамият» тушунчасининг таҳлилий миллий давлатларнинг дунёдаги ўрни ва давлат суверенитетининг истикболлари борасидаги тасаввурлар билан бевосита алоқадор. Уларнинг тадқиқотларида халқаро ҳамжамият нафақат нотенглик ва боғлиқлик нуктаи назаридан, балки халқаро муносабатларга кўра ҳам тармоқланади. Бу эса, ўз навбатида,

замонавий хавфсизликнинг барча қирраларини очиб беришга хизмат қилади. Шунга асосланган ҳолда, улар томонидан дунё ҳамжамияти ягона ва бўлинмас деган ҳулоса берилди. Бу қарашларда халқаро хавфсизликни таъминлашда давлатнинг ролини пасайтириш, халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда халқаро ҳуқуқ тамойилларини янада такомиллаштириш ҳамда шу орқали коллектив хавфсизлик тизимларини ташкил этиш ғояси марказий ўринни эгалламоқда.

Маълумки, XX асрнинг 40-50-йилларида жаҳонда давлат хавфсизлиги халқаро-коллектив хавфсизлик билан мутлақ мос келмаслигини қайд этган қарашлар шаклланган бўлиб, улар, асосан, америка жамиятининг сиёсий реализм мактаби томонидан илгари сурилган. Мазкур қарашларда стратегик ҳамкорлик шароитидан келиб чиқиб, миллий манфаатлар ва давлат хавфсизлиги олий қадрият сифатида эътироф этилган. Миллий манфаатлар давлат ташқи сиёсатининг асосини ташкил этувчи доминант, давлатлар хоҳ катта, хоҳ кичик бўлишига қарамасдан, универсал хусусиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Ўз навбатида, улар томонидан жаҳон сиёсати қудратли давлатлар орасидаги кучлар мувозанатининг тизими сифатида қайд этилиб, халқаро муносабатларда миллий манфаатларнинг тўқнашуви муқаррар деган ҳулоса берилган. Шу боисдан ҳам, «совуқ уруш» даврида дунё муаммоларини ҳал этишда куч омилга таянган ҳолда, «жиловлаш» стратегияси миллий ва халқаро хавфсизликнинг гарови сифатида баҳоланган. Бироқ икки кутбли хавфсизлик тизимининг парчаланиши натижасида сиёсий реализм таълимотида хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан билдирилган айрим қарашларнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгармоқда. Бугунги кунда аксарият мутахассислар томонидан хавфсизликни таъминлашда ҳарбий куч омилдан фойдаланиш кўзланган натижаларни бермаганлиги эътироф этилмоқда. Миллий мақсадларга эришишда ҳарбий куч ўрнига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий, маданий, ахборот воситаларини қўллаш зарурлиги таъкидланмоқда. Шу билан бирга, улар давлатларнинг миллий манфаатлари нафақат ҳокимият учун курашнинг кучайишига, бошқа давлатлар устидан ҳукмронлик қилишга, балки дунё хавфсизлигини таъминлашга олиб келиши мумкин, деган фикрларни билдиришмоқда. Зеро, бугунги воқелиқдан келиб чиққан ҳолда миллий манфаатлар нафақат давлат ёки унинг иттифоқчилари шахсий манфаатларини, балки бутун дунё ҳамжамияти манфаатларини ўзида акс эттириши муҳимдир. Мазкур ҳолат эса кейинги ўн йилликлар ичида сиёсий реализм таълимоти ҳам ўзининг эволюцион босқичини бошидан кечираётганлигидан далолат беради. Булар, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда акс этмоқда:

-миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлигини англаб етиш, муаммога комплекс ёндашувнинг зарурлиги;

-муаммоларни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш самарали натижалар ва кўзланган мақсадларни бермаслиги ҳақидаги фикрларнинг кўпайиши;

-миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида халқаро

ташкilotлар ҳамда трансмилий корпорациялар аҳамиятининг ортиши.

Мазкур параграфнинг «Хавфсизлики таъминлашда АҚШнинг миллий концептуал модели» деб номланган бўлимида АҚШ миллий хавфсизлик концепциясининг асосини ташкил этган ижтимоий-сиёсий гоълар, кадриятлар борасидаги тасавурлар, методологик ёндашувлар, сиёсий режа ва дастурлар, давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ белгиланган стратегияси илмий тадқиқ этилди. Унда, жумладан, АҚШнинг хавфсизлики таъминлаш юзасидан шакланган миллий концептуал модели, унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди. Унинг шаклланиш тарихи, ривожланиш тенденцияси, бу жараёнда марказий ўринни эгаллаган сиёсий реализм ва либерализм қарашларидаги айрим ўзига хос хусусиятлар тизимий қиёсий таҳлил қилинди. Маълумки, АҚШда хавфсизлики таъминлаш борасидаги қарашлар Ғарб либерал таълимотлари билан бевосита боғлиқ. Уларда асосий ургу инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларига қаратилган бўлиб, давлат ва ҳокимият халқ тинчлиги, хотиржамлигини ҳимоя қилиш каби олий мақсадларни ўз олдига қўйган уюшма сифатида шаклланиши зарурлиги таъкидланган. Бугунги кунда АҚШнинг хавфсизлик соҳасида олиб бораётган ташқи ва ички сиёсати ҳамда миллий хавфсизлик стратегиясининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат миллий хавфсизлик тизимининг асосий элементи миллий манфаатлар, кадриятлар ва мақсадларни ташкил этади. Миллий манфаатлар, кадриятлар ва мақсадларни ўзида акс эттирган АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси халқаро муносабатлардаги ўзгаришларга тез мослашишга, миллий манфаатларга таҳдид солаётган омилларни аниқ белгилашга, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга қаратилган механизм ҳисобланади. Шу боис, тадқиқот ишида 1994 йилда Б.Клинтон ҳамда 2002 йилда Ж.Буш ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ҳамда АҚШ Конгресси тасдиқлаган «АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси» қиёсий таҳлил этилди. Унда АҚШ президенти Ж.Буш томонидан 2002 йил сентябрь ойида имзоланган стратегия Б.Клинтон томонидан 1994 йил июль ойида қабул қилинган стратегиядан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилиши, бу тафовут халқаро муносабатларда содир бўлаётган реал воқеалар натижасида АҚШ миллий мақсадларига ўзгартиришлар киритилганлиги билан изоҳланиши кўрсатиб берилди. Бу стратегияларни бир-бирига таққослаш, улар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик ва фарқларни ўрганиш халқаро муносабатлардаги даврий ўзгаришларни аниқлашга, таҳлил этишга қўмаклашди.

Тадқиқот ишида АҚШ ташқи сиёсатида либерал таълимотларнинг гуллаган даври Б.Клинтоннинг либерализм ва глобализм даврига, яъни 1990 йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келиши эътироф этилди. Бу даврда АҚШ ўз ташқи сиёсатини дунё ҳамжамиятининг манфаатларида акс эттиришга ҳамда халқаро хавфсизлики таъминлашга уринди. Мазкур жараён дунё ҳамжамиятини давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили, можароларни музокаралар орқали ҳал қилиш, «халқларнинг конституцион

хукуқи» ғоясини шаклантириш ташаббуси билан амалга оширилди. Давлатлар суверенитети каби тушунчалар ўрнига глобализм тушунчасининг киритилиши, дунё ҳамжамиятини ягона узлуксиз тизимга бириштириш ва давлатларда демократияни ривожлантириш ёрдамида «хукуматсиз бошқарув», яъни фуқаролик жамиятини шаклантириш ғоялари билан бойитилди. Бироқ Ж.Бушнинг хукуматга келиши билан АҚШ ташқи сиёсатида неоконсерватизм мактабининг қарашлари устуворлик қила бошлади. Шундан сўнг, АҚШ жаҳон сиёсатида ўз миллий манфаатлари устуворлигини эътироф этган ҳолда, уларни таъминлашда ҳарбий куч омилига катта эътибор қаратди. Натижада глобал демократик консенсус асосида олиб борилган либерал жаҳон сиёсати ўрнига глобал ҳукмронлик сиёсати устунлик қила бошлади. Ж.Буш хукумати ташқи сиёсатида ҳарбий куч омилига бўлган эътиборнинг кучайиши, умумманфаатлар ўрнига миллий манфаатларнинг устун қўйилиши глобал таҳдидлар сонининг ортишига олиб келди.

Ушбу параграфнинг «Россияда хавфсизлик борасидаги замонавий концептуал ёндашувларнинг ривожланиш даври» деб номланган бўлимида Россия тарихида хавфсизлик ҳақидаги қараш ва ёндашувларнинг шаклланиши, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилди. Россиядаги мавжуд либерал таълимотларда хавфсизлик муаммолари борасида билдирилган қараш ва фикрлар ўрганилди. Уларда XX аср - ижтимоий сиёсат асри бўлиши зарурлиги таъкидланганлиги ҳамда унинг асосий вазифаси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш эканлиги эътироф этилган бўлиб, уни амалга оширишнинг асосий шарти сифатида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш кўрсатилган.

Россия тарихида хавфсизлик борасидаги либерал доктриналар мазкур умумий тамойиллар билан бир қаторда бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, бу Россия тарихий босқичининг ўзига хослиги билан изоҳланади. Улар асосан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда давлатнинг муҳим ролини тан олиш; кучли давлат ҳокимияти кераклигини эътироф этиш; давлат фаолиятини ижтимоий соҳаларга йўналтириш; мамлакатнинг шахс олдидаги мажбуриятларини тан олиш; Ғарбий Европа давлатларининг сиёсий назарияси ва амалиётидаги илғор тажрибаларга таяниш каби хусусиятлардан иборат.

Сўнги даврларгача (1991-1992 йиллар.) Россияда либерал таълимотнинг асосий ғоявий рақиби социалистик модел вакиллари бўлиб келган. Улар давлатнинг шахс хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини тан олган ҳолда, либерализм таълимотининг асосий тамойиллари бўлиши: шахс хавфсизлиги, ҳуқуқ ва эркинликларининг амалиётда таъминланиши билан акс эттирилиши; шахс ҳуқуқларининг табиий характерга эгаллиги ва бу борада давлат ҳокимиятининг чегараланиши; давлатнинг шахсга хизмат қилиши, шахсий мулк хавфсизлигининг асоси ва кафолати; давлатнинг қонун остида фаолият олиб бориши кабиларга қўшилмаган. Социалистик модел шахс ва

жамият хавфсизлигидан давлат хавфсизлиги устунлигини эътироф этган ҳолда, шахснинг табиий ҳуқуқларини тан олмаган.

Россияда хавфсизлик борасидаги концептуал ёндашув ва қарашларнинг янги ривожланиш босқичи бевосита Россия Федерациясининг ислоҳотлар даври билан бевосита боғлиқ. Мамлакатда шаклланган кадриятлар, таълимот ва назарий-фалсафий қарашлар асосида бугунги кунда мамлакатда миллий хавфсизлик тизими шаклланмоқда. Шу боис, мазкур параграфда хавфсизлик муаммолари юзасидан бугунги Россиядаги замонавий қарашлар ва улар асосида шаклланган мамлакат миллий хавфсизлик концепциясининг асосий, муҳим ва устувор йўналишлари таҳлил қилинди. Концепция шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги тўғрисидаги либерал таълимотларга асосланган ҳолда, миллий хавфсизликни шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимояланган ҳолати сифатида эътироф этди. Замонавий концептуал қарашлар тизимидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда РФ миллий хавфсизлигининг устувор мақсади шахс, жамият ва давлат тараққиёти учун керакли шароитларни яратишда, мамлакатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги обрўсига путур етказувчи омилларни бартараф этиш юзасидан иқтисодий, сиёсий, халқаро стратегик ҳолатни шакллантиришда намоён бўлмоқда.

Биринчи боб иккинчи параграфининг «Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик ҳақидаги қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши» номли навбатдаги бўлимида Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда хавфсизлик борасидаги концептуал қарашларнинг вужудга келиш тарихи ҳамда ушбу ҳудудда ўтмишда яшаб, ижод этган файласуф олимлар томонидан хавфсизлик масалалари юзасидан билдирилган фикр ва ғоялар таҳлил этилди. Маълумки, Марказий Осиё ҳудудида яшаб ижод этган буюк аждодларимизнинг сиёсий қарашларида мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ва осойишталигига эришиш каби масалалар алоҳида ўрин тутган бўлиб, уларда асосий ургу инсон ва жамият манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, адолатли жамият қуриш, бу борада нафақат кўшни давлат ва халқлар, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам мурося қилиш, вазмин сиёсат олиб бориш каби вазифалар ўрин олган. Марказий Осиё ҳудудида, жумладан, мамлакатимиз тарихида хавфсизлик бўйича шаклланган ғоя ва қарашларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, биз жуда катта бой илмий, сиёсий, маданий салоҳиятга эгамиз. Уни ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш ҳамда замонавий шароитга мослаштириш миллий манфаат ва мақсадларни тўғри аниқлаш, миллий хавфсизлик тизимини самарали шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда хавфсизлик тушунчаси «миллий хавфсизлик» сифатида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ўз аксини топди. 1997 йил август ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг миллий

хавфсизлик концепцияси халқимизнинг миллий қадриятлари, манфаатлари ва мақсадларига доир қарашларнинг расмий қабул қилинган тизими, уларни хавф-хатарлардан ҳимоя қилишнинг тамойиллари, восита ва шакллари, демакдир. Мазкур концепция Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXVI боби 125-126-моддаларига, халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган меъёр ва тамойилларига асосланган ҳолда миллий хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини белгилловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Асосий Қонуннинг 125-126-моддаларига мувофиқ²², мамлакатнинг миллий хавфсизлик концепциясида ўз ифодасини топган ҳолатлар асосида ташқи сиёсат, иқтисод, ижтимоий, муҳофаа, экология, информация соҳаларида ва бошқа тармоқларда миллий хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида «миллий хавфсизлик» - Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан қафолатли ҳимояланган ҳолати, деб изоҳ берилган²³. Сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат шаклида ифодаланган концепция шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, шунингдек, турли соҳаларда миллий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш учун миллий хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг асоси ҳисобланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш жараёнининг асосий тенденциялари»га бағишланган бўлиб, унда халқаро муносабатларда шаклланаётган янги жаҳон тартиботи шароитида Марказий Осиё минтақасининг роли ва аҳамияти, унинг геосиёсий кўрсаткичлари ҳамда салоҳияти, минтақанинг хавфсизлик ҳолати ва унда кечаётган ички сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар, минтақа давлатларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сиёсатини асосий жиҳатлари аниқланиб, улар ягона тизим остида илмий таҳлил этилди.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «Марказий Осиё минтақаси янги жаҳон тартиботи шаклланиши жараёнида» деб номланиб, унда Марказий Осиёнинг замонавий халқаро муносабатлардаги ўрни ва роли, минтақанинг геосиёсий омиллари таҳлил этилди ҳамда унинг миллий ва минтақавий хавфсизликка таъсири ўрганилди. Жумладан, замонавий халқаро муносабатларда Марказий Осиё минтақаси дунёнинг муҳим ҳудуди сифатида эътироф этилмоқда. Бунда икки муҳим омил: қулай геостратегик шароит ва бой табиий ресурслар минтақага оламшумул геосиёсий ва геоиқтисодий ўлчамларни баҳс этмоқда. Диссертация ишида мазкур омиллар таҳлил қилинди. Булар:

Биринчидан, Марказий Осиё минтақаси Шимол ва Жануб, Шарқ ҳамда

²² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон. 1992. –Б. 36-37.

²³ «Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -№ 1-12.

Гарбнинг ўта муҳим транспорт-коммуникация йўлларини боғловчи ҳудуд.

Иккинчидан, минтақа ислом, христиан ва буддизм динлари ҳамда Шарқ ва Гарб цивилизацияларининг туташган чизиғи.

Учинчидан, минтақа дунёнинг ривожланган давлатлари ҳамда йирик геостратегик кучларининг (Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва бошқалар) манфаатлари мавжуд макон.

Тўртинчидан, минтақа табиий ресурсларга, жумладан, нефть ва газ, олтин, уран, рангли металллар захираларига жуда бой ҳудуд. Маълумотларга кўра, Марказий Осиё минтақаси нефть захиралари 17 - 33 млрд. баррелни ёки дунё нефть захираларининг 5 фоизини, табиий газ захиралари 230 - 360 триллион куб. футни ёки дунё газ захираларининг 5 фоизини, уран захиралари дунё захираларининг 19,7 - 30 фоизини ташкил этади. Соҳа мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, 2015 йилга келиб, минтақада кунига 2,5 - 4,7 млн. баррелгача нефть қазиб олиш кутилмоқда²⁴.

Истиқболда бу ҳудудда жуда кўп миқдорда углеводород хом ашё захираларининг кашф этилиши, табиийки, ривожланган давлатлар манфаатларини ўзига жалб этади. Зеро, Марказий Осиё минтақаси энергоресурслари жаҳон иқтисодиётида геосиёсий аҳамият касб этиб, жаҳон бозорларига нефть ва газ қувурларини қайси йўл, қайси давлатлар ҳудудлари орқали олиб ўтилиши дунё стратегик кучлари учун ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Охириги йилларда ушбу масала юзасидан дунёдаги етакчи давлатлар ўртасидаги манфаатлар рақобатининг кучайиши кузатишмоқда. Бу тенденция Марказий Осиё атрофидаги «катта ўйин»²⁵ кенг маънода ҳали ўз якунини топмаганлигини кўрсатади. Сўнгги йилларда қатор тадқиқотчилар минтақа атрофидаги «катта ўйин» янада кучлироқ ифодаланаётганлигини таъкидламоқдалар²⁶. Кўз ўнгимизда зиддиятларнинг янги моҳиятга эга бўлган иқтисодий сабаблари намоён бўлмоқда. Бу эса Марказий Осиёда ресурс ва бозор учун курашнинг янги босқичга кирганлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб айтсак, жаҳондаги йирик кучлар манфаатлари борган сари бу ҳудудда янада кўпроқ тўқнашади. Баъзан мазкур кураш иқтисодий, айрим ҳолларда эса геосиёсий манзара касб этади.

Минтақа давлатларининг улкан геосиёсий майдонни эгаллаши, умумий инфратузилмага, бир-бирига боғлиқ иқтисодиётга эга бўлишига қарамай, улар денгиз коммуникацияларидан анча узоқда жойлашганлиги, яъни денгиз

²⁴ Полетяев Э. Энергетический потенциал Центральной Азии: проблемы, тенденции и перспективы // Центр Исследований и Мониторинга Экономики Казахстана (ЦИМЭК). www.cimek.kz.

²⁵ Маълумки, 19 асрда Россия ва Буюк Британия империялари ўртасида Ўрта Осиё ҳудудини босиб олиш ҳамда уни ўз назоратига олиш борасида кескин кураш борган. Мазкур кураш ўз даврида Хиндистон кироли лорд Керзон томонидан дунё ҳукмронлиги учун болиб борилаётган «катта ўйин» сифатида баҳолашиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон шахмат тақтасидаги муҳим фигуралар сифатида эътироф этилган. Кейинчалик ушбу ағамга кўлаб мутахассислар томонидан (жумладан, 36.Бажэинский томонидан «Буюк шахмат тақтаси» номи асариди) қўланилган.

²⁶ Проблемы безопасности в Центральной Азии // Материалы международной научно-практической конференции (21—22 октября 2005 года). —Т., 2006. -С. 73.

Йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг чекланганлиги минтақа давлатлари ташки сиёсий йўналишларини белгилашда, уларнинг ташки дунёга, жаҳон иқтисодий интеграция жараёналарига эркин қўшилишида маълум бир геосиёсий кийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Афғонистон муаммоси қисман ҳал этилган бўлса-да, бу масала юзасидан ҳали кўплаб вазифаларни амалга ошириш зарур. Ундан ташқари минтақа хавфсизлигини таъминлашда халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, наркобизнес, сепаратизм, уюшган жиноятчилик каби таҳдид ва хавф-хатарлар хануз минтақада сақланмоқда. Шу билан бирга вазиятни беқарорлаштирувчи қатор иқтисодий-ижтимоий кескинликлар, демографик ва экологик муаммолар минтақанинг ҳам ичиди, ҳам ташқарисиди мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу ҳолат, ўз навбатида, халқаро ҳамкорлик ва минтақавий интеграция масаласининг минтақа давлатлари ташки сиёсатида устувор вазифаси сифатида шаклланишига олиб келди. Тадқиқот давомида мазкур масала юзасидан минтақа давлатлари сиёсатида учта ўзаро алоқадор тенденция (дезинтеграция, реинтеграция, интеграция) мавжудлиги кузатилди ва унинг босқичлари таҳлил этилди.

«Марказий Осиё давлатларининг ички ривожланиш тенденциялари ва унинг минтақавий хавфсизликка таъсири» номи иккинчи параграфда Марказий Осиё давлатлари, жумладан Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистоннинг ички ривожланиш ҳолати, уларда кечаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилди. Маълумки, кейинги ўн йил мобайнида бу борада кўплаб чет эл ва минтақа олимларининг илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Шу ўринда айтиш лозимки, мутахассислар томонидан ушбу масалага оид турли фикрлар билдирилмоқда. Аксарият олимлар, хусусан, АҚШ, Россия ва бошқа Европа давлатлари мутахассислари томонидан берилган мулоҳазалар билан минтақа олимларининг қараш ҳамда хулосалари ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Мазкур ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, биз уларни ўзаро солиштириш ва таҳлил этишни лозим топдик.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, уларнинг барчасида кечаётган ички сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ўзига хос хусусиятларга эга. Булар: давлатларнинг географик жойлашуви, табиий ресурслари ва мавжуд иқтисодий салоҳияти, этноижтимоий ва этнодемографик омиллари. Шу билан бирга тадқиқот давомида улар ўртасидаги баъзи бир умумий жиҳатлар аниқланди. Бу умумий жиҳатлар қуйидагиларда ўз аксини топди:

- собиқ иттифоқ иқтисодиётининг парчланиши оқибатида минтақа давлатларида иқтисодий ислохотлар олиб бориш зарурияти ва бу жараёнда молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёж ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

- иқтисодий ислохотлар даврида юзага келган ижтимоий муаммолар, жумладан, ишсизлик, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, коррупция кабилар натижасида ижтимоий вазиятнинг кескинлашуви ҳамда бу, ўз

навбатида, мамлакатда миллий уйғунлик ва бирдамликнинг сусайишига олиб келиши;

-иктисодий-ижтимоий муаммоларнинг юзага келиши оқибатида минтақада, хусусан, ташқи кучлар иштирокининг ортиши, ташқи таҳдидлар (халқаро терроризм, диний экстремизм, нарқобизнес ва ҳоказо)нинг ички хусусият касб этиши кўзга ташланмоқда. Аммо иқтисодий ривожланиш даражаси, давлатчиликнинг тараққиёт жараёни, ички сиёсатдаги устувор вазифалар нуктаи назаридан улар бир-биридан фарқ қилади. Давлатларнинг барчасига хос бўлган бу хусусиятлар ва ўзаро фарқлар улар миллий ва минтақавий сиёсатининг асосий омилларини ташкил этади.

«Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатида минтақавий хавфсизлик масалалари» номли учинчи параграфда биз минтақа давлатлари ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик. Таҳлиллар натижасида маълум бўлдики, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг барчасида минтақавий хавфсизлик масалалари ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган. Шунингдек, мамлакатларнинг ташқи сиёсий фаолияти уларнинг миллий манфаатлари асосида шаклланган ҳолда, унинг асосий мақсади мамлакат тараққиёти ва барқарорлигини таъминлашда намоён бўлмоқда. Бугунги кунда жаҳонга юз тутган минтақа давлатлари халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиш, дунёнинг етакчи давлатлари билан стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда миллий тараққиётни таъминлаш мақсадида икки ва кўптомонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор.

Диссертациянинг учинчи боби **«Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ташқи ва ички омиллари»** деб номланиб, унда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигининг долзарб муаммолари, ички ва ташқи омиллари тизимли таҳлил этилган бўлиб, минтақада дунё стратегик кучларининг мавжуд манфаатлари қиёсий ўрганилди. Жумладан, мазкур бобнинг **«Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва барқарорлигининг долзарб муаммолари»** номли биринчи параграфда минтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларнинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари ва шарт-шароитлари тизимли таснифланди. Маълумки, фанда тизимли таҳлил усули мавжуд бўлиб, ундан, асосан, жамиятда юз бераётган воқеа ва жараёнларни таҳлил қилишда кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, ўрганилаётган объектнинг мазмун-моҳияти, фаолият динамикаси, унга таъсир этувчи омилларни кенгрок ёритишга ёрдам беради. Марказий Осиё минтақаси географик, маданий, диний, ахлоқий, тарихий, иқтисодий жиҳатдан ягона ижтимоий тизимни ташкил этади ва унинг таснифи маълум муаммолар ечимига бўйсуниб, сиёсий, иқтисодий, экологик, харбий ва бошқа ўзига хос мақсад ҳамда вазифаларига эга бўлган турли институтлар йигиндисида акс этади. Шунинг учун ҳам минтақавий хавфсизлик муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни таҳлил этишда бундай ёндашувни қўллаш илмий билимларнинг объективлигини оширишга, таҳлил этилаётган

объектнинг бошқарувида самарали йўлни белгилашда, ягона минтақавий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқишда бир қанча имкониятлар яратади. Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммолари тўғрисида тўхталар эканмиз, минтақа давлатлари атрофидаги вазиятни комплекс ўрганиш ҳамда уларда кечаётган туб ўзгаришлар, жумладан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Собик иттифок хавфсизлик тизимининг парчаланиши ва бу ҳудудда янги хавфсизлик тизимини шакллантириш, табиийки, ўта мураккаб жараёндир. Бу бугунги кун воқелигидан келиб чиққан ҳолда, хавфсизлик тизимини ташкил этган барча ижтимоий ҳаёт соҳаларини камраб олишда намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам биз мазкур параграфда мутахассислар томонидан эътироф этилган Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдид ва хавф-хатарларни ўрганишда тизимли таҳлил усулига таяндик ва уларни келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари ҳамда омиллари асосида таснифлашга ҳаракат қилдик ва қуйидаги блоklarга ажратдик:

Биринчи блокка халқаро терроризм²⁷, диний ва сиёсий экстремизм²⁸, нарқобизнес²⁹, уюшган жиноятчилик каби омилларни киритдик. Илмий адабиётларда мазкур омиллар бевосита Афғонистон билан боғлиқлиги олоҳида таъкидланди. Маълумки, минтақа давлатларида мустақилликнинг биринчи йилидаёқ Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳам миллий, ҳам минтақавий хавфсизлик борасида устувор вазифа сифатида эътироф этилди.

Таҳдидларнинг иккинчи блокдан давлатлараро қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ўрин олди. Бу, энг аввало, минтақа давлатлари ўртасида чегара олди дарё сувларидан самарали фойдаланиш муаммолари³⁰, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш билан боғлиқ ҳудудий масалалар³¹, этник зиддиятлар, экологик муаммолар билан боғлиқ.

Таҳдидларнинг учинчи блокига мутахассислар томонидан эътироф этилаётган иқтисодий хавфларни, жумладан, глобаллашув шароитида ривожланаётган технологик тараққиётдан минтақа давлатларининг ортда

²⁷ Сафонов А. Необходима глобальная система противодействия терроризму // *Международная жизнь*. - 2003. - №1. - С. 34-42; Косачев К. Международное право в борьбе с ядерным терроризмом // *Международная жизнь*. - 2003. - №9-10. - С. 157-171; Швец Д. Международный терроризм: информационный аспект // *Мировая экономика и международные отношения*. - 2003. - №9. - С. 17-22.

²⁸ Сюкияйнен А. Ислам против исламского экстремизма // *Азия и Африка*. - 2003. - №2. - С. 8-14; Абашин С. Исламский фундаментализм в Центральной Азии: причины распространения, прогнозы на будущее // *Россия и мусульманский мир*. - 2002. - №9. - С. 55-66; Евкович Ш. Исламский фактор в политической системе современного Египта. - Т.: Ташкентский исламский университет, 2008. - 212 с.

²⁹ Игнатенко А. *Интер Террор в России*. - М.: Европа, 2005. - 112 с.; Саидолимов С. Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии. - Т.: Академия, 2003. - 145 с.; *Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог: (Материалы международной конференции (13-15 мая 2003 года, Ташкент))*. - Т.: Шарк, 2004. - 224 с.

³⁰ Сулонбаев М., Мамытова А. Природные ресурсы как фактор развития Центральной Евразии // *Центральная Азия и Кавказ*. - 1998. - №1. - С. 31.

³¹ Олимова С. Национальные государства и этнические территории // *Многомерные границы Центральной Азии*. - 2000. - С. 14-27; Турарбеков Б. Делимитация границы как она есть // *Континент*. - 2000. - №22.

қолиб кетиш хавфини киритдик³². Халқаро муносабатлар тизимида юз бераётган глобаллашув, албатта, объектив жараён бўлиши билан бир қаторда, у жуда шафқатсиз ҳамдир. Чунки унинг имкониятлари ҳамма давлатларга бирдек тақсимланмайди. Ундан фақат ривожланган давлатлар, трансмиллий корпорациялар катта даромад олади. Марказий Осиё давлатлари учун бу жарабдан келадиган энг катта хавф уларнинг халқаро бозорда хом ашё базаси сифатида қолиб кетишидир. Бунда минтақавий иқтисодий интеграцияни шакллантириш ва кенгайтириш - муаммо ечимининг асосий шартларидан бири эканлиги кўрсатилди.

Тўртинчи блок соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилаётган геосиёсий омиллар билан боғлиқ таҳдидларни қамраб олди³³. Маълумки, Марказий Осиё минтақаси инсоният тараққиётида, халқаро кучлар мувозанатида доимо муҳим роль ўйнаб келган³⁴. Минтақанинг бой табиий ресурслари, унинг Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбнинг боғловчи ўта муҳим транспорт-коммуникация имкониятлари дунёнинг йирик геостратегик кучларининг эътиборида бўлган. Бугунги кунда минтақанинг шимолда Россия, шарқда Хитой, жанубда ислом дунёси, ғарбда АҚШ ва Европа давлатлари билан туташлиги минтақа давлатлари ташқи сиёсатида кўпгина геосиёсий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Аксарият хорижий экспертлар минтақа тараққиётида мазкур омилларга катта эътибор қаратган ҳолда, уларни таҳдид сифатида кўрсатадилар³⁵.

Бешинчи блокка биз айрим Ғарб давлатлари томонидан ўз таъсир доирасини кенгайтиришда асосий воситага айланган «демократия экспорти», «кичкиёқлама стандарт» сиёсати ва «ахборот хуружи» каби омилларни киритдик.

Собиқ иттифокнинг парчаланишидан сўнг бу ҳудудда кўплаб янги давлатлар вужудга келди. Улар янги тизимни барпо этишга, халқаро муносабатларда муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилди. Бу ҳолат эса айрим Ғарб давлатлари учун ўз геосиёсий ва геоиқтисодий мақсадларини амалга оширишда кенг имкониятлар очиб берди. Натижада “Ғарб демократия” модели тарғиб қилина бошланди. Албатта, бу ҳаракатлар турли нодавлат ташкилотлар, лойиҳалар, жамғармалар орқали амалга оширилди. Нодавлат ташкилотларнинг жамият ҳаётидаги ўрни жуда муҳим бўлиб, бу демократик давлат ва фуқаролик жамият қурилишидаги энг асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Бироқ мазкур ташкилотларнинг сўнгги йиллардаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим Ғарб мамлакатлари томонидан Марказий Осиё давлатларига ўз сиёсий ва геосиёсий йўналишларида “Ғарб

³² Кузнецова С. Международное положение в Центральной Азии // Востоковедение и африканистика. – 1999. -№1. –С. 45-55.

³³ Хлопкин В. Война, ислам и геополитика: Россия и Центральная Азия в XXI веке. –М., 2000.

³⁴ Сафоев. С. Марказий Осиёда кочаётган геосиёсий жараёнлар ва минтақанинг ҳозирги дунё халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни // Халқаро муносабатлар. –2005. -№3. -Б. 6.

³⁵ Исмагамбетов Т. Структурирование нового геополитического пространства Центральной Азии: региональные особенности и перспективы // Центральная Азия и Кавказ. –2002. -№2 (20). –С. 7-16.

демократияси” моделини мажбурлаб тарғиб қилиш тенденцияси кузатилмоқда³⁶. Бу ташкилотларнинг фуқаро, шахс, жамият ва давлат умумий манфаатлари, демократик жараёнлар назоратчиси эмас, балки айрим давлатлар манфаатларининг химоячиси сифатида фаолият юритиши уларга бўлган салбий муносабатни шакллантириш билан бирга, халқаро ҳуқуқий мезонларнинг бузилишига олиб келди. МДҲ давлатларидаги сўнгги воқеалар, хусусан, Украина, Грузия, Қирғизистондаги воқеалар таҳлили бу фаолиятнинг демократик қадриятларни тарғиб қилиш билан мутлақ боғлиқ эмаслигини кўрсатди. Аксинча, улар давлатда конституцион тузумни ағдаришга ва жамиятда ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилганлиги маълум бўлди. Айрим нодавлат ташкилотлар (ННТ) ўз фаолияти давомида Марказий Осиё минтақасининг ўзига хослигини, шарт-шароит ва урф-одатларини эътиборга олмаган ҳолда ҳаракат олиб боришмоқда. Охир-оқибатда улар томонидан қўллаб-қувватланаётган объектлар мавжуд ҳокимиятни ағдариш, ислом халифалигини ўрнатиш мақсадида яширинча фаолият юритаётган минтақавий ва халқаро экстремистик ташкилотларнинг аъзолари бўлиб чиқмоқда. Бу фаолият на демократик қадриятларни дунёга ёйишга, на халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос келади. Бундан ташқари, мазкур халқаро нодавлат ташкилотлар томонидан давлатларнинг ички ишларига аралашини ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг натижасида давлатлардаги ҳуқуқ-тартибот ва суд органларининг фаолиятида бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Мазкур ҳаракатлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлиб, давлат хавфсизлигига таҳдид солмоқда.

Учинчи бобнинг **«Марказий Осиёнинг геостратегик ҳолатида ташқи омилларнинг роли»**га бағишланган иккинчи параграфиди дунёнинг стратегик кучлари ҳамда минтақага яқин жойлашган давлатларнинг Марказий Осиёга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсати ва миллий манфаатлари таҳлил этилди.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатлари, жумладан, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия, Хитой, Япония ҳамда Эрон, Туркия, Ҳиндистон каби минтақа атрофидаги давлатлар ўз миллий манфаатлари асосида мазкур ҳудуддаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашини истагини билдирмоқда. Масалан, Россия бу йўналишда ЕИҲ, КХШТ, МДҲ, ШҲТ сингари минтақавий ташкилотлар доирасида ўз миллий манфаатларини (минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ва энергетик ҳамкорлик) таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиё минтақаси Россия учун миллий хавфсизлигининг асосий элементи, энг аввало, минтақавий ва минтақаларо хавфсизлик кафолати ҳамда иқтисодий интеграция омилдир.

Бугунги кунда АҚШнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали минтақа давлатларининг

³⁶ Жураев С.А., Қасымова Н.А. Актуальные вопросы современных международных отношений. –Т.: Академия, 2008. –С. 105.

жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига ҳамда демократик жараёнларни ривожлантиришга кўмак беришда, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан, шу жумладан, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда намоён бўлмоқда. Айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал этишда минтақа давлатлари АҚШ миллий манфаатлари тизимида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Олиб борилган таҳлиллар натижасида АҚШнинг «терроризмга қарши кураш»дан ташқари, Марказий Осиёга нисбатан қизиқиши, энг аввало, унинг геоиқтисодий мақсадлари, минтақа энергоресурсларини Фарбга транспортировка қилиш билан ҳам боғлиқ бўлмоқда. Бу борада АҚШ Марказий Осиё мамлакатларида нефть-газ саноатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, нефть маҳсулотларига ортиб бораётган жаҳон эҳтиёжларини қондириш учун минтақа энергетика ресурсларини ишончли ва самарали экспорт қилишни таъминлаши мумкин бўлган Шарқ-Фарб энергетика транспорт коридорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда³⁷.

Европа Иттифоқи давлатларининг ташқи сиёсий фаолиятида ҳам минтақанинг табиий бой хом ашё, энергетик ресурслари ўзига жалб этиб бормоқда. Дунё бўйлаб, энергетик ресурсларнинг камайиб бориши ЕИ ташқи сиёсатида ҳам ўз таъсирини кўрсатган ҳолда унинг Марказий Осиёдаги энергетик сиёсатини шаклланишига олиб келди. Бугунги кунда Европа Иттифоқи давлатлари ўзининг энергетик эҳтиёжларини қондириш мақсадида ТРАСЕКА ва ИНОГЕЙТ каби лойиҳалар доирасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Хитой ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақавий ва минтақалараро хавфсизликни мустаҳкамлаш (халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм), сиёсий, иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида кўрилмоқда. Хитой минтақадаги жараёнларда ўзининг геосиёсий иштирокини таъминлашда ШХТ доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга катта аҳамият берган ҳолда минтақа давлатларининг иқтисодиётига катта молнавий ёрдамлар беришни давом эттирмоқда.

Туркия ва Эрон каби минтақавий давлатлар ҳам ўз манфаатлари доирасида минтақадаги интеграцион жараёнларда фаол қатнашиш истагини билдирмоқдар. Бунда улар ЭКО ташкилотига катта аҳамият қаратадилар. Кўришиб турибдики, бугунги кунда минтақа дунё геостратегик кучларининг манфаатлари мавжуд ва тўқнаш келган ҳудудга айланиб бормоқда. Бу эса минтақани Фарб ва Шарқ ўртасидаги нотинч буфер зонага айлантириб қўйиш хавфини келтириб чиқаради. Шунинг учун Марказий Осиё минтақасида кучлар мувозанатини сақлаш, бу борада минтақа давлатларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш, миллий манфаатлар уйғунлигини таъминлаш бош вазифа ҳисобланади. Акс ҳолда, минтақанинг маълум бир куч таъсирига

³⁷ Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. Редколл.: Р.М.Алимов, Ш.Р.Арифханов и др. –Т.: Шарқ, 2002. -С. 93-94.

тушиб қолиши охир-оқибат Марказий Осиё давлатлари мустақиллигининг қўлдан кетиши билан барабар.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи «Марказий Осиё ресурс салоҳиятининг геостратегик аҳамияти» деб номланади. Унда XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиё ва Кавказ киритилган минтақа хануз дунёнинг кўплаб мамлакатлари манфаатлари мавжуд ҳудуд сифатида эътироф этилаётгани, кечаётган глобал сиёсий жараёнлар буюк давлатларнинг Марказий Осиёга нисбатан манфаатлари қайтадан ўзгача шаклланаётганлигини таъкидлаган ҳолда, XX асрдан фарқли ўлароқ, бу даврда геосиёсий эмас, балки геоиқтисодий омиллар, ресурслар учун кураш асосий роль ўйнаши илмий ҳулоса сифатида кўрсатилади. Бугунги минтақанинг қулай географик жойлашуви, углеводород захиралари, ноёб биологик ресурслар, транспорт йўлларининг кесишуви ва уларнинг янада ривожланиши бутун ҳудуднинг геосиёсий ва геостратегик аҳамиятини белгиламоқда. Тадқиқот натижасида захиралар бўйича Каспий нефти жаҳонда учинчи ўринда туриши ҳамда бу омил турли сиёсий куч марказларининг минтақа мамлакатлари атрофидаги сиёсатини белгилаб бериши аниқланди. Шу ўринда углеводород хом ашёсини етказиб берувчи манба сифатида Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини фундаментал оқибатлари кўриб чиқилди. Мазкур жараёнда АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари ва Япония корпорациялари билан яқин ҳамкорлик олиб бориш зарурлиги, энг замонавий технология ва катта молиявий ресурсларсиз масалани ижобий ҳал этиш ўта мушкуллиги кўрсатилди. Шу билан бирга, Хитой омилининг роли ҳам илмий таҳлил этилиб, мазкур йўналиш ҳам ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири эканлиги эътироф этилди. Воқеаларнинг ҳар қандай ривожиди ҳам Марказий Осиё мамлакатларининг глобал иқтисодий маконга интеграциялашувини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди ҳамда бу кўрсатилган тенденцияларнинг баъзан кескин зиддиятлар остида ривожланиши мумкинлиги башорат қилинди. Бу борада, биринчи навбатда, Россия ва Ғарб корпорациялари манфаатларининг тўқнашуви натижасида кескин инкироз юзага келиши эҳтимоли мавжуд. Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатларидаги вазият шуниси билан характерланадиги, минтақа ва минтақадан ташқаридаги давлатларнинг манфаатлари ўзаро фарқ қилади. Бу тарихий шарт-шароит туфайли минтақада «етакчи ўйинчилар»га айланган Россия ва АҚШга хос. Шу маънода, уларнинг сиёсатини Москва ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар нуктаи назаридан баҳолаш мумкин. 2001 йилдан сўнг Россия АҚШни халқаро терроризмга қарши курашда қўллаб-қувватлагач, Ж.Буш маъмурияти Россияга нисбатан муносабатига тузатишлар киритди ва яқин алоқаларни ўрнатиш ташаббусини илгари сурди. Бу мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви терроризмга қарши кураш борасида юзага келди, зеро, бу уларнинг манфаатларига мос эди. АҚШнинг минтақавий сиёсатидаги янги босқич 2002 йил ўрталарига тўғри келди, бу

даврд Америка ва Россиянинг халқаро терроризмга қарши кураш, минтақада барқарорликни қўллаб-қувватлаш каби глобал масалалар бўйича ёндашувларида ўзаро фарқлар вужудга кела бошлади. Бунга яққол мисол сифатида Каспий углеводородларини экспорт қилиш атрофида юзага келган вазиятни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу давр мобайнида минтақа давлатлари Россиядан озод бўлишга интилиб, АҚШ томонидан қўллаб-қувватланди. Расмий Москванинг геоктисодий манфаатлари эса минтақадаги углеводородларни ўз худуди орқали олиб ўтишни назоратга олишдан иборатдир. Мазкур жараёнда, фикримизча, Марказий Осиё мамлакатлари нафақат АҚШ ва Россия манфаатларини, балки Европа Иттифоқи давлатларининг минтақадаги геоктисодий манфаатларини инobatга олган ҳолда, уни мувофиқлаштириш ҳамда улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатишлари муҳим ҳисобланади. Зеро, бу фаолият минтақада кучлар мувозанатини сақлашга, худуднинг глобал сиёсий ва иқтисодий маконнинг таркибий қисмига айланишига хизмат қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш истиқболлари”** деб номланиб, унда минтақавий хавфсизликни таъминлашда халқаро ва минтақавий ҳамкорликнинг роли ва аҳамияти, минтақа давлатларининг бу борада олиб бораётган фаолияти тизимли ўрганилди. Ундан ташқари, мазкур ҳамкорликни ривожлантиришда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг роли ҳамда унинг аҳамияти таҳлил этилган.

«Халқаро ҳамкорлик–минтақавий хавфсизликни таъминлашда асосий омил» деб белгиланган биринчи параграфда минтақа давлатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий хавфсизликни фақатгина дунё мамлакатларининг ҳамжихатлиги билангина самарали таъминлаш мумкинлигини эътироф этган ташқи сиёсати, уларнинг халқаро майдонда олиб бораётган кўп томонлама муносабатларида хавфсизликни таъминлаш масаласи марказий ўринни эгаллаши таҳлиллар натижасида аниқланди. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигига эришгач, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Минтақа давлатларининг барчаси халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрната бошлади. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Ташкилоти (НАТО) ҳамда бир қатор давлатлараро ва ноҳукуматлараро ташкилотлар, халқаро молявий институтлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, минтақа давлатларининг халқаро майдондаги ҳамкорлиги, биринчи навбатда, халқаро муносабатлар тизимида ўз ўрнига эга бўлиши, минтақада хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, геосиёсий мувозанатни сақлаш мақсадида олиб борилаётганидан далolat беради. Зеро, бугунги кунда халқаро ҳамкорлик хавфсизликнинг муҳим шарти сифатида эътироф

этилмоқда. Халқаро муносабатлар тизимида халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни олиб бориш эса нафақат минтақада, балки дунёда хавфсизликни таъминлашга кенг имконият яратади. Бу борада халқаро ташкилотлар давлатларнинг миллий манфаатларини уйғунлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ва минтақа давлатларининг барқарор ривожланиши мавжуд хавф-хатарларни англаб етиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали чоратadbирлар ишлаб чиқишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Олиб борилган таҳлиллар натижасида биз мазкур ҳамкорликни шартли равишда икки йўналишга бўлиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчиси, минтақа давлатларининг хавфсизлик масалалари юзасидан минтақавий ҳамкорлиги, иккинчиси, минтақа мамлакатларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигидир. Бироқ жаҳон сиёсатидаги сўнгги ўзгаришлар оқибатида дунёдаги геосиёсий вазият ўзгача шаклланмоқда. Маълум бўлдики, бу жараёнда халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ, ЕХХТ, НАТО ва бошқа минтақавий уюшмалар фаолияти ҳамда уларнинг тизимини тубдан ислох қилиш масаласи тобора долзарблашмоқда. Уларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш, улар фаолиятида ўзаро тенглик, ҳурмат ва ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш каби масалалар кун тартибидан жой олмоқда. Зеро, бугунги кунда ташкилот доирасида айрим ривожланган давлатлар манфаатларининг устуворлиги сақланиб қолмоқда. Бу эса ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда минтақа давлатларининг муайян давлатлар ёки халқаро ташкилотлар таъсирига тушиб қолмаслиги, энг аввало, уларнинг ташки сиёсати, айниқса, ўзаро муносабатларига боғлиқ. Шу боис, минтақа давлатлари ўз миллий манфаатларини ўзаро уйғунлаштириши ҳамда дунё ҳамжамиятининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро даражадаги манфаатлар билан мослаштириши муҳимдир.

Шу боисдан биз илмий ишимизнинг тўртинчи боб иккинчи параграфини «Марказий Осиёда минтақавий интеграция ҳолати ва истикболлари»га бағишладик. Унда Марказий Осиё мамлакатларининг миллий давлатчиликни шакллантириш борасидаги сиёсати ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, минтақавий интеграция жараёнлари келажакда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ислохотларда ҳал қилувчи аҳамият касб этиши эътироф этилди. Илмий адабиётларда глобаллашувнинг жадал ривожланиш шароитида минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиё давлатлари учун ўта зарурлиги борасида жуда кўплаб фикрлар билдирилган³⁸.

Марказий Осиёда узок асрлар давомида умумий яшаш тарзи шаклланиб келган. Худуднинг тарихан бирлиги (дини, эътиқоди, тили, урф-одатлари, тарихи ва муаммолари) минтақада интеграция жараёнларини

³⁸ Қаранг: Фридман Л., Кузнецова С. Глобализация: развитие и развивающиеся страны // Мировая экономика и международные отношения. -2000. -№10; Толипов Ф. Теория и практика региональной интеграции в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. -2002. -№2 (20). -С. 89-98.

ривожлантиришда асосий бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграциясига табиий таъсир этувчи бир қанча омиллар ҳам мавжуд. Бу, биринчи навбатда, сув манбалари ва транспорт йўлларининг умумийлиги, коммуникация ҳамда энергетик ресурсларнинг бир-бирига алоқадорлиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик муаммо ва бошқалар. Мазкур геоиқтисодий бирлик минтақавий интеграцияга асос бўлиши ва ўз навбатида, хавфсизликни таъминлаш ҳамда интеграцияни ривожлантиришга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ минтақа давлат раҳбарлари юқоридаги омилларни ҳисобга олиб, мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган коллектив ҳаракатлар институтларини шакллантиришга алоҳида аҳамият бера бошладилар. Шу маънода, ушбу параграфда минтақада интеграцион ҳаракатлар босқичларини таҳлил этишга ва уларни таснифлашга ҳаракат қилдик. Минтақа давлатларининг интеграцияни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ташқи сиёсатининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қисқа вақт ичида бу ҳудудда кўплаб минтақалараро ва минтақавий ташкилотлар юзага келди. Мазкур ташкилотлар бугунги кунга келиб, турли суръатлар ва геосиёсий йўналишларда ривожланмоқда. Уларда, асосан, икки йўналишни: минтақадаги ички ҳамкорликни ҳамда минтақадан ташқаридаги интеграция тузилмаларидаги алоқаларни кузатиш мумкин. Бу эса минтақа давлатларининг ташқи сиёсатида ўзига хос геосиёсий йўналишлар ҳамда бу жараёнда ташқи куч таъсирининг мавжудлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичга кўтарилганлиги кузатишмоқда. Бу икки давлат минтақада ўзининг геосиёсий ва геоиқтисодий мавқеига эга бўлган ҳолда икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга, минтақада стратегик кучлар мувозанатини сақлашга ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга катта аҳамият қаратмоқда. Шу нуқтани назардан, фикримизча, Марказий Осиёда минтақавий интеграцияни шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси, биринчидан, бу жараёни босқичма-босқич ва изчиллик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, иккинчидан, барча иштирокчиларнинг мавжуд ва узоқ муддатли манфаатларини ҳар бир томон манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда амалга оширишни талаб этади.

Тўртинчи бобнинг учинчи параграфи «**Минтақавий хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўрни**» деб номланади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва унинг барқарорлигига таҳдид солаётган терроризм, нарқобизнес, диний экстремизм каби омилларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат. “Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналиши этиб белгилаб олганмиз”, - деб таъкидлайди Ислом Каримов³⁹.

³⁹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни

Ўзбекистон Республикаси ана шу мақсад йўлида қатор халқаро ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ) билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида, Европа Иттифоқи, НАТО билан эса махус битимлар асосида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати нақадар тўғри ва оқилона эканлигини вақтнинг ўзи исботлаб турибди. Ядро ҳом ашёси захираларига қўра дунёда олдинги ўринларда турадиган Ўзбекистон мустақилликка эришгандан бошлаб, оммавий қиргин қуроолларини тарқатмаслик борасида изчил сиёсат юритмоқда. Икки ядровий давлат Россия Федерацияси ва Хитой билан бевосита чегаралаш бўлган Марказий Осиё учун мазкур масала жуда муҳим аҳамият касб этади. 2006 йил 8 сентябрда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақа давлатлари Ташқи ишлар вазирилари томонидан «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисида»ги шартнома имзоланди. Мазкур шартномани ратификация қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 26 январда қонун қабул қилинди, 2007 йилнинг 30 мартида Сенат томонидан мазкур қонун маъқулланди. Шундан сўнг 2007 йилнинг 2 апрелидан «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисида»ги шартномани ратификация қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб сўзлаган илк нутқида қўшни Афғонистондаги урушнинг нафақат Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига, балки бутун дунё ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдид эканлигини қайд этганди. Аммо Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаркатларига ўз вақтида етарлича эътибор берилмади. Афғонистон узок вақт давом этаётган уруш мобайнида халқаро нарқобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, энг асосийси, халқаро терроризмнинг асосий ўчоғига айлланиб қолганлигини таъкидлаганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти юз бора ҳақ эди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган кўпуровчилик ҳаракатлари бутун дунё ҳамжамиятининг ривожланган мамлакатларини ўйлантириб қўйди. Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш борасида илгари сурган ташаббуси нақадар тўғри ва ўринли эканлигини бугунги кунда кўпгина мамлакатлар тан олмақда.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистоннинг тикланиш жараёнида иштирок этишга катта қизиқиш билдирди ва БМТ Дастури раҳбариятига мазкур масала бўйича таклиф билан мурожаат этди. Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни Афғонистонга гуманитар ёрдам бериш, мамлакатда транспорт инфратузилмасини, жумладан, йўллар, кўприкларни қайта тиклаш, таълим ва

маориф соҳасида, курилиш ва ободончилик борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Марказий Осиё республикалари билан ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари эса минтақа давлатларининг худудий яхлитлиги, иқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги, чуқур тарихий илдизга эга эканлиги, маданий-маърифий алоқалари, тили ва динининг яқинлигидадир. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақида имзоланган шартнома Марказий Осиё интеграцияси йўлида қилинган илк қадам бўлди. 1999 йили бу шартномага Тожикистон Республикаси ҳам аъзо бўлди. 2000 йил 20-21 апрель кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш юзасидан биргаликда ҳаракатлар тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ташаббус - МДХ худудида терроризмга қарши марказ тузишдан иборат бўлди. МДХ раҳбарларининг учрашувларида мазкур масалани ҳал этиш ўта муҳимлиги таъкидланди. Шу маънода айтиш керакки, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири минтақавий коллектив хавфсизлик тизимларини шакллантиришдир. Ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан олиб бораётган фаолияти Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) доирасида амалга оширилмоқда. Хавф-хатар ва таҳдидларнинг умумийлигини, Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирини учун ўз масъулиятини ҳис этган ҳолда, Ўзбекистон 2001 йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Ислон Каримов ташаббуси билан 2004 йил Тошкентда мазкур ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил этилганлиги унинг амалий жиҳатдан олиб бораётган ҳаракатидан далолатдир.

XXI асрнинг дастлабки йилларида халқаро хавфсизликка нисбатан терроризм, наркобизнес, диний экстремизм каби офатлар жиддий хавф сола бошлаган бир шароитда унга қарши курашда давлатларнинг ташқи сиёсати муҳим роль ўйнамоқда. Ўз навбатида, ҳозирги кунда халқаро хавфсизликни қарор топтириш учун минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласи катта аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидаги ташаббусларни жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилди:

- минтақавий хавфсизлик орқали халқаро хавфсизликни таъминлаш;
- халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнес каби иллатларга қарши кураш марказини тузиш;
- Марказий Осиёни ядро қуролидан холи худуд деб эълон қилиш;
- Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш учун 1999 йили Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган «6+2» (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Хитой, АҚШ ва Россия)

гуруҳининг фаолиятини янги, яъни «6+3» (НАТО иштирокида) шаклида қайта тиклаш.

Ушбу тақлифларнинг амалга ошиши натижасида сиёсий тафаккурда юқоридаги таҳдидларни янгича баҳолаш, тушуниш, англаш ҳолатлари вужудга келмоқда ва шунга асосан, айти пайтда, халқаро хавфсизликни таъминлашнинг янги тартиблари шаклланимоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг олиб бораётган ташқи сиёсат стратегияси ҳар томонлама ўзини оқлаганлиги ва унинг тўғри шакллантирилганлигини ҳаётнинг ўзи исботлади.

3. ТАДИҚОТНИНГ ЯКУНИДА ҚҲЙИДАГИ АСОСИЙ ХУЛОСА ВА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

1. Замоनावий халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар натижасида минтакавий хавфсизликнинг мазмун-моҳиятини ҳамда халқаро хавфсизлик тизими билан ўзаро боғлиқлигини англашга бўлган эътибор кучайди. Ҳозирги дунёнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий ва экологик хавфсизлик ҳолати мазкур соҳада замоनावий ёндашувларни ишлаб чиқишга ҳамда минтакавий хавфсизликка нисбатан концептуал қарашларни ривожлантиришга ундамоқда.

2. Хавфсизлик муаммоси юзасидан мавжуд ёндашув ва қарашларни қиёсий таҳлил этиш натижасида уларнинг ўртасида ўзига хос умумийлик ҳамда фарқлар мавжудлиги аниқланди. Уларнинг баъзилари хавфсизликни таъминлашда шахс омилига катта эътибор қаратган бўлса, айримлари давлатни олий қадрият сифатида, бошқалари эса давлатларнинг ролини пасайтиришга, халқаро ҳамжамият ва халқаро ташкилотларнинг аҳамиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Улар орасидаги умумийлик эса хавфсизликнинг долзарблигини эътироф этишда ҳамда уни таъминлашда ҳарбий куч омилига бўлган ёндашувнинг ўзгаришида акс этмоқда.

3. Бугунги кунда хавфсизликни таъминлашда давлат ва жамиятнинг асосий олий қадрияти бўлиши шахсга бўлган эътиборнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шаклланаётган замоनावий хавфсизлик тизимини нафақат ҳарбий, балки инсоннинг эркинлик, тенглик, ҳақиқат ва адолатга бўлган қонуний интилишларини таъминловчи иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни ҳам ўз ичига қамраб олишини талаб қилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикасида хавфсизлик борасидаги қарашларнинг шаклланиш босқичлари ҳамда мавжуд замоनावий концептуал ғояларнинг ривожланиш тенденцияси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда бу соҳадаги изланишлар узоқ тарихга эга ҳолда минтақа тараққиётида жуда катта илмий-назарий, ҳаётий ва амалий аҳамият касб этади. Илмий меросни янада чуқурроқ ўрганиш, янги ёндашув ва қарашлар асосида тадиқот ишларини ташкил этиш ҳар бир давлат, минтақа ва халқаро ҳамжамият учун

хавфсизликни таъминлашда илмий, назарий ҳамда амалий асос бўлади. Бу йўлда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, замонавий услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

5. Бугунги ўзгаришлар даврида минтақавий хавфсизликнинг моҳияти глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тобора ривожланиши, халқаро ташкилотлар аҳамиятининг ортиб бориши билан белгиланмоқда. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида давлатларнинг бири-бирига боғлиқлигини сезиларли даражада ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, маълум минтақадаги хоҳ салбий, хоҳ ижобий воқеа-ходисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва ўз таъсирини ўтказмоқда. Мавжуд вазият ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар, яъни анъанавий таҳдидларнинг ноанъанавий таҳдидлар билан ўзаро боғлиқлигини кучайиши билан муракаблашмоқда. Пировардида минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мушкуллашмоқда.

6. Марказий Осиёда юз берган халқаро муносабатлар трансформацияси шароитида минтақанинг қулай географик жойлашуви ҳамда табиий бойликлари юзасидан ташқи омилларнинг роли ва даражаси ортиб бормоқда. Яъни, бир томондан, минтақа агрофидадаги йирик давлатлар (Туркия, Эрон, Покистон), иккинчи томондан, анъанавий ўйинчилар (Россия, Хитой, АҚШ) ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши юз бермоқда. Ушбу жараёнга янги иштирокчи сифатида халқаро муносабатларнинг ноанъанавий қатнашчилари бўлмиш халқаро нодавлат ташкилотлар ҳам ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Натижада минтақа табиий бойликлари ва унинг қулай геосиёсий шароитини назоратга олиш мақсадида дунёнинг йирик давлатлари ўртасида ўзига хос сиёсий «катта ўйинлар» бошланди. Бу эса, ўз навбатида, сўнгги пайтларда минтақа мамлакатлари дуч келаётган кўплаб муаммоларга сабаб бўлмоқда.

7. Минтақа давлатларининг ички вазияти, улардаги ижтимоий жараёнлар ҳамда сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар ўзига хос хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликка бўлган таҳдидлар сўнгги даврларда ўзининг шаклланганлик даражаси (реал ва потенциал), намоён бўлиш характери (ижтимоий, антропоген, табиий), келиб чиқиши (ички ва ташқи), ҳаёт фаолияти соҳаларига кўра (сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий ва ҳоказо) турли кўринишларда намоён бўлмоқда.

8. Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сиёсати таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда минтақада мавжуд муаммо ва таҳдидларни бартараф этишга қаратилган фаол сиёсат олиб борилмоқда. Бироқ Марказий Осиёда ҳали мустаҳкам, самарали ва мослашувчан минтақавий хавфсизлик тизими тўлиқ шаклланганича йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири минтақа давлатларининг барчасида ҳам хавфсизликни таъминлаш масъулияти тўлиқ тушуниб етилмаганлигидир. Бугунги кунда айрим мамлакатларда минтақавий хавфсизликни таъминлаш

масъулиятдан кўра миллий хавфсизлик ва миллий манфаатлар устунлик қилмоқда.

9. Мазкур муаммоларни бартараф этиш минтақа давлатларидан самарали коллектив хавфсизлик тизимини шакллантиришни, интеграцион жараёнларни ривожлантиришни, миллий манфаатлар уйғунлигини таъминлашни ҳамда турли халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасида фаолият олиб боришни талаб этади. Бу шароитда давлатлар минтақавий хавфсизликнинг халқро хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини англаган ҳолда ўз миллий манфаатлар тизимини такомиллаштириши зарур деб ҳисоблаймиз. Бу мақсадни амалга оширишда ШХТ, КХШТ, МДХ каби минтақавий тузилмалардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, КХШТ ва ШХТ доирасида минтақавий коллектив хавфсизлик тизимини тўлиқ шакллантиришга ҳаракат қилиши зарур. ШХТ доирасидаги алоқалар пировард-натигада Россия ва ХХР иштрокида минтақада стратегик кучлар мувозанатини сақлашга ҳамда жаҳоннинг долзарб масалалари юзасидан умумий минтақавий сиёсат ишлаб чиқишда кенг имкониятлар яратади.

10. Айна пайтда, келишилган минтақавий сиёсат орқали БМТ, ЕХХТ, НАТО, ЕИ, ВТО, ЖБ каби нуфузли халқро сиёсий, иқтисодий-молиявий ташкилотларда муваффақиятли фаолият олиб бориш мумкин бўлади. Бу йўналишдаги энг асосий вазифалардан бири халқро ҳамжамият томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида терроризмга қарши олиб борилаётган ҳаракатларни умумлаштиришдир. Мазкур йўналишда улар томонидан БМТ доирасида «Халқро терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги умумжаҳон конвенциясини қабул қилиш жараёнини тезлаштириш лозим. Бу эса мазкур масала юзасидан «иккиёклама стандарт» сиёсати қўлланилишининг олдини олади. Бундан ташқари, мазкур жараёнда давлатларнинг индивидуал ташаббусларига қатга эътибор қаратиш зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси томонидан билдирилган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. Булар:

- Марказий Осиёда ядро куролидан холи ҳудудни яратиш;
- Буюк Ипак йўлини тиклаш;
- Орол муаммосини ҳал этиш;
- аксилтеррор марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш;
- Афғонистонда урушдан кейинги вазиятни барқарорлаштириш;
- халқро терроризм ва диний экстремизм, наркобизнесга қарши курашга қаратилган саммит, халқро анжуман ва бошқа тадбирларни ўтказиш ташаббуслари.

11. Халқро муносабатлар тизимида ривожланган давлатлар билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида янги алоқаларни йўлга қўйиш стратегик вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларини ҳал этишда реал ёрдам кўрсатишга қодир давлатлар билан ҳамкорлик

ўрнатишдан манфаатдордир. Россия, АҚШ, ХХР, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Жанубий Корея мамлакатлари шулар жумласига киради. Мазкур давлатлар билан минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва интеграция жараёнларини ривожлантириш масалалари юзасидан узоқ муддатли стратегик ҳамкорликни ўрнатиш ҳам минтақа давлатлари манфаатларига, ҳам ушбу давлатлар манфаатларига жавоб беради. Бу эса истиқболда минтақада стратегик мувозанатни сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

12. Марказий Осиё давлатларининг муайян мамлакатлар ёки халқаро ташкилотлар таъсирига тушиб қолмаслиги уларнинг ўзаро ташқи сиёсати ва муносабатларининг уйғунлигига боғлиқ. Бу борада Марказий Осиё давлатлари ўзаро ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиш ва иқтисодий интеграция жараёнини ривожлантиришга катта эътибор бериши даркор. Бу жараёнда минтақа давлатларининг ижтимоий-маданий алоқалари алоҳида аҳамият касб этган ҳолда маданият, илм-фан, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш лозим. Бу, ўз навбатида, минтақа давлатларининг миллий манфаатларини янада чуқурроқ ўрганишда, уларнинг ўзаро яқинлиги ва уйғунлигини таъминлашда, ўзаро муроСага келишда, минтақа хавфсизлиги борасида ягона минтақавий сиёсат ишлаб чиқишда, мазкур соҳада меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратишда кенг имкониятлар яратади.

4. Диссертация мавзуси бўйича нашр этилган ишлари рўйхати:

Монография, китоб ва дарсликлар:

1. Саидолимов С. Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии. –Т.: Академия, 2003. –145 с.
2. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, О.Қосимов, А.Жалилов, С.Саидолимов ва бош. –Т.: Академия, 2005. –347 б.
3. Тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт омили / С.Жўраев, С.Мирқосимов, С.Саидолимов ва бош. –Т.: Академия - Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти, 2005. –38 б.
4. Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) / С.Жўраев, Б.Худойбердиев, Н.Қосимова, А.Жалилов, О.Қосимов, С.Саидолимов ва бош. –Т.: Академия, 2006. –240 б.
5. С.Жўраев, С.Саидолимов, З.Абдуганиева. Халқаро хавфсизлик (ўқув қўлланма). –Т.: Академия, 2007. –148 б.

Журналларда эълон қилинган илмий мақолалар:

6. Саидолимов С. Минтақавий муаммолардан глобал муаммолар сари // Жамият ва бошқарув. –2004. –№1. –Б. 46-48.
7. Саидолимов С. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашнинг айрим жиҳатлари // Халқаро муносабатлар. –2004. –№1. –Б. 20-22.

8. Саидолимов С. Центральная Азия в новых условиях мирового порядка // Востокведение. –2004. -№2. –С. 111-116.
9. Саидолимов С. Геополитика КНР в Центральной Азии // Иктисодиёт ва таълим. –2004. -№3. –С. 123-126.
10. Саидолимов С. Central Asia: conditions and prospectives // Journal Of Asia-Pacific Studies. –(Жанубий Корея, Сеул), -2004. –Р. 289-295.
11. Саидолимов С. Новая геополитика России в Центральной Азии // Халқаро муносабатлар. –2004. -№4. –С. 20-26.
12. Саидолимов С. Региональная безопасность в Центральной Азии: состояние и перспективы // Востокведение. –2005. -№1. –С. 112-117.
13. Саидолимов С. Хавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг айрим жиҳатлари // Шарқшунослик. –2005. -№2. –Б. 96-100.
14. Саидолимов С. Хавфсизлик борасидаги айрим концептуал қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари // Халқаро муносабатлар. –2005. -№3. –Б. 16-23.
15. Саидолимов С., Ҳамзаев Ш. Халқаро мулоқотларнинг ўзига хослиги // Мулоқот. –2005. -№4. –Б. 10-11.
16. Саидолимов С. Интеграция – давр тақозоси // Жамият ва бошқарув. – 2006. -№3. –Б. 13-16.
17. Саидолимов С. Олий кадрият // Жамият ва бошқарув. –2006. Махсус сон. –Б. 30-32.
18. Саидолимов С. Халқаро муносабатлар кейинги ярим аср ичида: тамойиллар, ўзгаришлар, тарихий паллалар, нуқтаи назарлар // Халқаро муносабатлар. –2006. -№2. –Б. 14-22.
19. Саидолимов С. Central Asia in the New World System // The India-Central Asia Foundation, Website, Int: <http://www.icafindia.org/> 7-р.

Илмий тўпламларда эълон қилинган мақолалар:

20. Саидолимов С. Марказий Осиёда геостратегик ҳолат: муаммо ва ечимлар // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Академия, 2005. -Б. 295-302.
21. Саидолимов С. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантириш // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Академия, 2005. -Б. 302-311.
22. Саидолимов С. Марказий Осиёда иктисодий, сув-энергетик, транспорт-коммуникацион, экологик муаммолар ечимининг амалий механизмини шакллантириш // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Академия, 2005. -Б. 311-316.
23. Саидолимов С. Марказий Осиёни оммавий қирғин қуроқларидан ҳоли қилиш ва ядровий таҳдиддан ҳимоялаш масалалари // Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: Академия, 2005. -Б. 316-320.

24. Саидолимов С. Ҳозирги замон хавфсизлик тизимининг ўзига хос жиҳатлари // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: республика илмий-амалий конференция материаллари (2005 йил 17 ноябрь). -Т., 2005. –Б. 33-36.
25. Саидолимов С. Замонавий халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий салоҳияти // Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари (2006 йил 20 декабрь). -Т., 2007. –Б. 140-145.
26. Saidolimov S. From regional safety towards global safety // Training program for young experts of Uzbekistan at the University Teknologi MARA (18 April – 1 May 2007). -Shah Alam, Selangor, Malaysia, 2007. -P. 30-33.
27. Саидолимов С. Состояние и перспективы формирования эффективной системы региональной безопасности в Центральной Азии // Демократическое развитие и вопросы обеспечения безопасности: материалы международной конференции (14-15 май 2007 года). –Т., 2007. -С. 142-146.

Ўқув-методик материаллар:

28. Хорижий давлатларнинг ташқи сиёсати ва дипломатияси / С.Жўраев, А.Жалилов, С.Саидолимов. Ўқув дастур. –Т.: Академия, 2005. -39 б.
29. Халқаро хавфсизлик муаммолари / С.Саидолимов, С.Жўраев. Ўқув дастур. –Т.: Академия, 2005. -38 б.

Сийёсий файллар доктори илмий даражасига талабгор Саидолимов Саидхон Тальят ўглининг 23.00.02 – сийёсий институтлар ва жараёнлар ихтисослиги бўйича «Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари» мавзусидаги диссертацияси

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Марказий Осиё, минтақавий хавфсизлик, халқаро хавфсизлик, геосийёсат, ташқи сийёсат, стратегия, миллий манфаатлар, глобаллашув.

Тадқиқот объекти: Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари.

Ишнинг мақсади: Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини тизимли таҳлил қилиш ҳамда минтақа хавфсизлигига таъсир кўрсатаётган ташқи ва ички омилларнинг даражаси ва хусусиятини аниқлаш.

Тадқиқот усули: тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўз ифодасини топган методологик қоидалар, диалектика ва тизимий услубларга асосланган илмий тамойиллар ҳамда қиёсий-сийёсий, қиёсий-тарихий таҳлил услублари асосида олиб борилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотнинг илмий янгилиги замонавий дунё тараққиётидаги ўзгаришлар муносабати билан Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммоларини комплекс тадқиқ этишда ўз аксини топади. Диссертацияда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий тенденциялари; кечаётган геосийёсий жараёнлар; минтақа давлатларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сийёсати қиёсий тадқиқ этилди. Минтақавий хавфсизликка асосий таҳдидлар ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашда ташқи кучлар таъсири тизимли таҳлил натижасида аниқланди.

Амалий аҳамияти: ишнинг хулоса ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикасининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ташқи сийёсий стратегиясини такомиллаштиришда ҳамда барқарорликни сақлаш юзасидан минтақа давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришда янги ёндашув ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг натижаси: тадқиқотнинг асосий натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўқув курсларини тайёрлаш ва ўқитиш жараёнида қўлланилмоқда. Диссертация мавзуси бўйича монография, 30 га яқин илмий мақолалар чоп этилди ҳамда 20 дан ортик халқаро конференцияларда маърузалар ўқилди.

Қўлланиш соҳаси: тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси ташқи сийёсий фаолияти билан шуғулланувчи вазирликлар, махсус давлат идораларининг амалий ва таҳлилий ишларида ҳамда илмий тадқиқотлар ва таълим амалиётларида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Саидолимова Саидхона Талъят угли на тему «Проблемы обеспечения безопасности в Центральной Азии» на соискание ученой степени доктора политических наук по специальности 23.00.02 – Политические институты и процессы

Ключевые слова: Центральная Азия, региональная безопасность, международная безопасность, геополитика, внешняя политика, стратегия, национальные интересы, глобализация.

Объект исследования: проблемы обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии.

Цель работы: системный анализ проблем обеспечения безопасности в Центральной Азии, основных причин и условий их возникновения, а также определение степени и характера влияния внешних и внутренних факторов на безопасность в регионе.

Метод исследования: исследование проведено на основе методологических положений, содержащихся в трудах и выступлениях Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, на базе системы научных принципов, основанных на диалектическом и системном методах, а также использованы методы сравнительно-политического, сравнительно-исторического анализа.

Полученные результаты и их новизна: научная новизна исследования заключается в комплексном изучении проблем обеспечения безопасности в Центральной Азии в связи с изменяющимися тенденциями развития современного мира. В диссертации предпринята попытка сравнительного анализа основных тенденций обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии, происходящих в ней геополитических процессов, внешнеполитических подходов государств региона к проблемам обеспечения региональной безопасности. Выявлены основные угрозы региональной безопасности, а также влияние внешних сил на обеспечение безопасности в регионе. Изучены вопросы развития и перспективы международного сотрудничества Узбекистана в сфере обеспечения региональной безопасности.

Практическая значимость: выводы и рекомендации могут быть использованы в целях совершенствования стратегии внешней политики Республики Узбекистан в сфере обеспечения региональной безопасности, а также при выработке новых подходов и конкретных мер по углублению сотрудничества со странами региона в сфере сохранения стабильности.

Степень внедрения: основные результаты исследования нашли отражение в процессе подготовки и преподавания учебных курсов в Академии государственного и общественного строительства при Президенте Республики Узбекистан. По теме диссертации опубликована монография, около 30 научных статей, а также автор выступал с докладами в 20 международных конференциях.

Область применения: теоретические выводы и практические рекомендации могут быть использованы при разработке практических и аналитических материалов различных министерств и ведомств, занимающихся внешнеполитической деятельностью Республики Узбекистан, а также в научно-исследовательской и преподавательской практике.

RESUME

Thesis of S.T.Saidolimov on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philosophy) in Political Science speciality 23.00.02 – Political Institutions and Processes subject: “The Problems of safety of security in Central Asia”

Key words: Central Asia, regional security, international security, geopolitics, foreign policy, strategy, national interests, globalization.

Subject of the Inquiry: Problems of security provision in Central Asia.

Aim of the thesis: System analysis of the main reasons, circumstances, conditions, problems and factors related to the provision of regional security in Central Asian as well as identification the nature and level of interior and exterior factors affecting to the regional security.

Method of inquiry: The inquiry was conducted relying on the methodical norms used in the works of the President of Uzbekistan I.A.Karimov; scientific principles based on the dialectical and systemic methods as well as politico-comparative and historical comparative methods.

The results achieved and their novelty: The scientific novelty of the thesis was reflected in the complex analysis of the problems of security provision in Central Asia via the prism of changes in the development of contemporary world. In the thesis were comparatively analyzed the main tendencies of regional security provision in Central Asia, geopolitical process taking place in the region, foreign policy of the region's states in the field of regional security provision. Using systemic analysis there were indentified the core threats to the regional security and the influence of exterior forces in the provision of regional security.

Practical significance: The conclusions and recommendations of the work might be used in perfecting the foreign policy strategy of the Republic of Uzbekistan designed to the provision of regional security as well as in elaborating new approaches and concrete measures aiming to deepen the cooperation between the region's states in this field.

Degree of embed: The core results of the research were reflected in the teaching process and in the curriculum at the Academy of State and Social Construction under the President of the Republic of Uzbekistan. There were published the monograph and more than 30 scientific articles, as well as the author made several presentations in 20 different international conferences, related to the topic of this thesis.

Sphere of usage: Theoretical conclusions and practical recommendations of the thesis might be used in the elaboration of practical and analytical materials of various ministries and specific government bodies, dealing with the activity of foreign policy of the Republic of Uzbekistan, as well as in scientific research and teaching practice on discipline of international relations and political science.

Тадқиқотчи



Сайдолимов С.Т.